

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК.....

Зокиров Элмурод

**Туркистон Мухториятини ағдариш чоғида советларнинг ерли халққа
нисбатан қўллаган қатағон сиёсати
мавзусидаги**

Мутахассислик: 5А120301 - Ўзбекистон тарихи

ЎҚИТУВЧИ МАЛАКАВИЎ ИШИ

Илмий раҳбар: С.Хошимов
Тарих фанлари номзоди, дотсент

Андижон – 2013 йил

Туркистон Мухториятини ағдариш чоғида советларнинг ерли халққа нисбатан қўллаган
қатағон сиёсати

Режа

Кириш.

1-боб. Туркистон мухториятининг ўрнатилиши.

2-боб. Туркистон мухтор ҳукуматининг советлар томонидан ағдарилиши.

3-боб. Туркистон Мухториятининг тугатилиши ҳамда кейинги даврларда
мухториятчиларга нисбатан қўлланилган оммавий қатоғонлар.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова.

Кириш.

Миллий тарихсиз миллий ғоя ва миллий мафкуранинг ўзи бўлмайди. Шундай экан миллий тарихни яратмасдан туриб миллий ғоя ва миллий мафкурани тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Тарихни билиш айна вақтда ўзликни англаш ҳамдир. Миллатни миллат, халқни халқ қилиб танитадиган ҳам миллий тарихдир. Айна кунларимиз ўтмиш, бугун ва келажак бир бутун, ҳамоҳанг тараққиёт жараёнидир.

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришгани ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихида буюк бурилиш ясади ва унинг бундан кейинги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун кенг уфқлар очиб берди. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов раҳнамолиги остида ўзбек халқи келажаги буюк давлатнинг ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўл қисқа вақт ичида синовдан ўтиб, катта самаралар бера бошлади. Ўзбекистонда демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш борасида мислсиз улкан ишлар амалга оширилмоқда, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Давлатимизнинг юртимизда инсонпарвар жамият қуриш сиёсати яқин тарихимиздаги совет ўтмиши ва энг аввало ундаги фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари қандай бўлганини билиш, англаш, советлар замонида кечирган ҳаёт йўлимизни мушоҳада қилиш, кузатиш, ундан тўғри хулосалар чиқаришни талаб этмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг яқин ўтмишини тушуниш ва уни қайтадан англаш, эслаш учун совет ҳокимияти давридаги унинг ўз бошидан кечирган жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилиш, тегишли мантиқли, илмий хулосаларга келишга имкон беради.

Президентимиз Ислам Каримов бутун халқни, айниқса ёш авлодни илмий тарихий билимлар билан қуроллантириш, тарих тарбияси бериш, тарихий хотирани шакллантиришни биринчи даражали вазифа сифатида таърифлаб берди¹. Бу ғоят муҳим аҳамият касб этган вазифа айна вақтда мустабид советлар даври тарихини ҳам ўрганиш, билиш ва тадқиқ этишни, шу асосда зарур ҳаётий, амалий хулосалар чиқариб олишни ҳам истисно этмайди. “Биз ўз тарихимизни йўққа чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳромонона, ҳам фожиаи саҳифалар кўп бўлди. Ахир, кекса авлодларнинг, ота-боболаримизнинг қураши ва меҳнатини инкор этиб бўладими? Улар рим феодал холидаги қалоқ мамлакатни ижтимоий ва илмий-техникавий жиҳатдан тараққий этган замонавий даражага кўтардилар. Бу аниқ-равшан далилни ҳеч ким рад қила олмайди. Айна вақтда социалистик қурилишнинг кўпгина босқичларида кўпол хатолар ва бузилишларга йўл қўйилганини ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса шубҳа остига қўйа олмайди.”² деб Президентимиз тарихчиларни советлар даври тарихни ҳам чуқур илмий мушоҳада этган ҳолда тадқиқ этишга ундайди. Шу боис совет давлати тарихидаги тарихимизнинг ҳам ижобий, ҳам фожиаи саҳифаларини холислик билан очиб бермасдан туриб янги жамият қуролмаймиз. Президент И.А.Каримов тўғри таъкидлаб ўтганидек, ҳаётда адолатни ўрнатиш тарихда адолатни ўрнатишдан бошланмоғи керак. Буни XX асрнинг 30-50 йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган қишлоқ аҳолисини қатағон қилиниши, деҳқонларни турли ҳил сиёсий ақидалар ниқобида, асосида сургун қилиниши ва бу бадарға этилганларнинг фожиаи тақдири тўла-тўқис тадқиқ этилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда мажбурий коллективлаштириш ва у билан бир вақтда олиб борилган “қулоқ”лаштириш ва “қулоқ”қа тортилганларни бадарға, сургун қилиш, уларнинг махсус “қулоқлар посёлкалари”даги аянчли ҳаёти, турмуши, қисмати ва уларнинг ҳукумат қарорлар остида озод қилиниши тарихини ўрганиш ҳам ўзбек тарихшунослигининг долзарб масалаларидан биридир.

Мавзунинг долзарблиги яна шу билан ҳам белгиланадики, собиқ тоталитар ҳокимият томонидан ўзбек қишлоғининг тадбиркор, ўзига тўқ тоифаси бўлган хўжаликларнинг тугатилиши ва қатағон қилинишининг ҳаққоний манзараси ва механизмини илмий ёритилиши тарихий ҳақиқатни тиклашга ва тарихий билимларимизни бойитишга ёрдам беради. Яқин даврларгача мазкур мавзуни ўрганишга бағишланган

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998. 8–бет.

² Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Тошкент, Ўзбекистон, 2011. –Б.165.

фундаментал илмий тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги туфайли ҳам “кулоқ қилиш” сиёсати, унинг фожиали оқибатлари, сургун қилинган, катагонга учраган ватандошларимиз, уларнинг бегона юртлардаги аянчли ҳаёти тарихини ўрганиш ва ёритишнинг долзарблигини кўрсатиб турибди. Нохадан катагон қилиниб, ўзга юртларга бадарға қилинган “кулоқлар”нинг номи, ачинарли қисмати аниқлаш, ҳаёти ва меҳнат фаолиятини, иккинчи жаҳон урушидаги иштирокларини ёритиш тарихчилар зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Мустақиллик йилларида мустабид тузум даврини ва унинг фожеали саҳифаларини ўрганиш борасида муайян ижобий силжишлар юз берди. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки даврлариданоқ жадиличлик, унинг намоёндалари умуман XX аср бошидаги сиёсий жараёнлар билан боғлиқ масалаларга қизиқиш ортганини кузатиш мумкин. Айниқса, миллий давлатчилигимиз учун дастлабки уриниш сифатида XX аср тарихи саҳифаларидан ўрин олган Туркистон мухторияти тарихи, мазкур ҳаракатнинг вужудга келиши ва тараққиётига хисса қўшган, унга алоқадорлиги бор кишилар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш масалалари тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадқиқотчилар томонидан мустақиллик йилларида кўплаб мақола¹, рисола² ва диссертацияларда³ миллий

¹ Дониёров Ш. Мухторият қисмати//Шарқ юлдузи.Т.: 1991№12.159-173 бетлар;Ўша муаллиф Хўқанд фожеаси // Саодат Т.: 1992.№12 14-15 бетлар; Голованов А. Как нации самоопределесь // Звезда Востока.Т.: 1922 № 5 Ст. 161-173; Абдуллаев Р.М. Туркестанские прогрессисты и национальное движение // Звезда Востока Т.: 1992.№ 1 Ст.106-113; Ўша муаллиф. 1917 йил февралдан кейин Туркистондаги миллий ҳаракат тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т.: 1993. № 4. 49-53 бетлар; Кошанов Б.А. Туркистон под властью большевиков (1917-1919 гг.) // Вестник Ан РУз Каракалпакское отделение. Нукус, 1993.№2 Ст.93-99; Тошқулов. Борьба джадидов за независимость Туркестана // Истикбол. Т.: 1993.№1-3; Агзамходжаев С. В предверии драмы // Звезда Востока.Т.: 1993 №2 Ст135-149; Ўша муаллиф. Из истории движения за автономию // ОНУ.Т.: 1996.№1-3. Ст 40-48; Ўша муаллиф. Шўрои ислом асли қандай эди? // Фан ва турмуш. Т.: 1996 №5-6. 18-19 бетлар. Ўша муаллиф. Мухторият // Миллий тикланиш. 1997. 28 октябрь; Ўша муаллиф. Туркистон мухторияти ва большевиклар // Жамият ва бошқарув. Т.: 1998 № 4 14-19 бетлар; Ражабов Қ.К. Мустақиллик учун мужодалалар. (1917-1935 йй.) // Жамият ва бошқарув. Т.: 1998 № 3 46-49 бетлар, №4 48-64 бетлар; Ўша муаллиф. Бир максадли икки Эргаш // Мулоқот Т.: 2000 № 2 33-36 бетлар; ва бошқалар.

² Тилавов А.Т. Становление и развитие политической системы в советском Туркестане: опыт и уроки. Ташкент, 1992.-147с.; Агзамхўжаев С.С. Туркистон бирлиги учун. Тошкент. 1995. 15-бет; Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент. 1996. 8-20 бетлар; Алимова Д., Рашидова Д. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. Тошкент: Академия. 1999. 53-бет.; Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость.Ташкент: Ўзбекистон, 2000.-24с.; Алимова Д.А., Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузumi даврида:сиёсий ва мафкуравий таъйик оқибатлари. (1917-1990) Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 73 бет.; Ражабов Қ.К Мустақил Туркистон фикри мужодалалар (1917-1935 йиллар). Тошкент: Ўзбекистон, 2000.30-бет; Марказий Осиё XX аср бошида: ислохатлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадиличлик, мухториятчилик, истиклолчилик). Халқаро конференция материаллари. (1999 йил 16-18 сентябр, Тошкент). Тошкент: Маънавият, 2001.-142 бет; Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX-1 четверти XX вв. Ташкент: Университет, 1999.-162 с.; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости Ташкент: Шарқ. 2000.- 672 с.; Агзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент: Маънавият, 2000.-168 бет; ва бошқалар.

³ Прилуцкий Е.А. Национальное строительство в советском Туркестане (1918-1920): Дис. ... канд. Истор наук. Ташкент, 1991; Турсунов И. Ўзбекистон маорифчиларининг истиклол йўлидаги кураш тарихидан.: Тарих фан.док.дисс.Тошкент, 1993; Кошанов Б.А. Большевики в Туркестане 1917-1922 гг. Доктрина и реальность: Автореф. Дис. ...докт. истор. наук. Ташкент, 1994: -26 с.; Тошқулов Д. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX- первой четверти XX вв.: Автореф. Дис. ... докт. Юрид. Наук. Ташкент, 1995; Набиев Ф.Н. Политическая борьба за национальную независимость в Туркестане (1917-1924 гг.): Дис. ... канд.истор.наук.Ташкент, 1995; Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX в.): Дис...канд. истор. наук. Ташкент, 1995. Л.114; Турсунов И.Й. Ўзбекистон маорифчиларининг истиклол йўлидаги кураши тарихидан (1917-1930 йй.): Тарих фан. док. ... дисс. Тошкент, 1995. – 346 бет; Агзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти: озодлик ва мустақиллик учун кураш (1917-1918 йй.): Тарих фан.док. ... дисс. Тошкент, 1996. 289 б.; Узоқов Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи. 1900-1940 йиллар (журналистлар фаолияти мисолида):. Тарих. фан. док. ... дисс Тошкент, 1996. 46,48,49,53,63-80 бетлар.; Рустамова Г.

демократик давлатчилигимиз тажрибаси бўлган Туркистон мухторияти тарихига оид кўплаб фактик материаллар истеъмолга киритилди.

Туркистон мухторияти тарихи масалаларига оид мустақиллик даври тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатадики ушбу тадқиқотларда Туркистон мухторияти халқимизнинг асрий орзу ниятлари заминда вужудга келган ҳаракат ташкилотчилари эса ўз Ватанини ривожланган, мустақил давлатлар қаторига олиб чиқишга интилан, ўз даврининг илғор тараққийпарвар кишилари эканлиги, уларнинг мақсади ўлка аҳолисига демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган дастлабки мустақил демократик давлатни вужудга келтириш бўлган деган ғоя тўлиқ очиқ берилди. Бироқ Туркистон мухторияти барча раҳбар ва қатнашчиларининг ҳаёти ва фаолияти, мухториятнинг тугатилиши ва тугатилгандан кейинги даврларда совет ҳокимиятининг мухторият қатнашчиларига ва халққа нисбатан қўллаган оммавий қатағонлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмади.

Мавзу тарихшунослигини очиқ бериш учун, ҳали бажарилиши керак бўлган ишлар етарлича. Чунки, ушбу мавзу нафақат ҳар бир мамлакат миқёсида, балки вилоятлар, туманлар кесимида ҳам алоҳида ўрганилса муддао бўлади. Чунки, тарих учун қисқагина даврни тўлақонли очиқ бериш, унинг мазмун моҳияти, оқибатларини халқимизга етказиш учун тарихчилар ва айниқса биз каби ёш тарихчилар олдига улкан вазифаларни қўяди. Бунинг учун илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, семинарлар, конференциялар уюштириш, хориждаги адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, шунинг натижасида бу мавзунинг манбавий базаси ва тарихшунослиги янада бойитиш мақсадга мувофиқдир.

Битирув малакавий ишда совет ҳокимиятининг Туркистон Мухториятини ағдариш чоғида ерли халққа нисбатан қўллаган қатағон сиёсати илк бор бирламчи манбалар асосида, махус тадқиқ этилган бўлиб, унинг асосий илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат;

Хуллас битирув малакавий иш ўз ифодасини топган маънавий-ғоявий фикрлар миллий истиклол мафкурасини талабалар онгида шакллантиришдек муҳим вазифани ҳал қилишда қўл келади, ўқув-тарбия жараёнининг барча босқичларида маънавий восита, фактик материал, тарих ҳақиқати сифатида хизмат қилади.

1-боб. Туркистон мухториятининг ўрнатилиши.

Туркистон ўлкаси ишчи, аскар ва деҳқонлар шўроси III курултойининг улуғ давлатчилик ва шовинистик руҳда қабул қилган қарори албатта маҳаллий туб ерли

Туркистонда чоризм ва большевиклар ҳокимиятининг мустамлакачилик моҳияти. (1867-1924 йиллар): Тарих фан. ном. ...дисс. автореф Тошкент, 1999 -34бет; Хайдаров М. Туркистонда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати (1917-1924 йиллар): Тарих фан. ном. ... дисс. Автореф. Тошкент. 1998.- 28 б.; Қуллиев Х.Г. Туркистонда мустақил тузумнинг иқтисодий ва маънавий асосларининг юзага келиши (1917-1920 йиллар): Тарих фан. ном. ... дисс. Тошкент. 1998.- 160 б.; Абдуллаев Р.М. Национальные политические организация Туркестана в 1917-1918 гг. Дис. ...док.истор.наук. Тошкент 1998.- 347л.; Мингноров А.Т. Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари давр миллий матбуотида (1917 йил феврал-1918 йил шрталари): Тарих фан. Ном. ...дисс. Тошкент. 2000; Қозоқов Т. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX в.: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. Ташкент. 2001.-24 с.; Ражабов Қ.К. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат. (1918-1924 йй.): Тарих фанлари док. ... дисс. Тошкент. 2005.-342 б ва бошқалар.

аҳолининг талаб эҳтиёжлари ва қизиқишларига мутлақо жавоб бермас эди. Шу боис Туркистон ўлкасидаги «Шўрои Исломия» «Шўрои уламо» ва бошқа шунинг сингари демократик ташкилотлар миллий масалани ҳал қилиш бўйича Шўролар ҳукумати, шахсан большевойлар дохийси В.И.Лениннинг ўзи эълон қилган «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси» (1917 йил 2 ноябрь) ва «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» (1917 йил 22 ноябрь) мурожаатномаси каби ҳужжатларига асосланиб миллий истиқлол муаммосини ўзлари мустақил ҳал қилишга киришдилар. Бу борада 1917 йил 26-29 ноябрда Қўқонда ўз ишини олиб борган Туркистон ўлкасининг мусулмонлари фавқулоддаги IV курултойи катта аҳамиятга эга бўлди. Курултойда 200дан ортиқ вакиллар қатнашди. Улар ўзбек, қозок, қирғиз, тожик, рус, татар, яҳудий ва бошқа миллатларнинг вакиллари эдилар. Курултой ишида Фарғона вилоятидан 150, Сирдарё вилоятидан 21, Самарқанд вилоятидан 1, Каспийорти вилоятидан 4, Бухородан 2 вакил қатнашди. Унда «Шўрои ислом», «Шўрои уламо», «Ўлка мусулмон Шўроси», Ҳарбий мусулмон Шўроси, Ўлка яҳудийлари ҳамда маҳаллий яҳудийлар ташкилотларидан вакиллар иштирок этганлар.

Ўз-ўзидан маълумки, курултойда қатнашган вакиллар таркиби «Қўқон мухторияти» миллатчилик негизда майдонга келган, деган уйдирма ва туҳматнинг ҳеч қандай асосга эга эмаслигини мутлақо тасдиқлайди.

Курултойда миллий зиёлиларнинг демократик руҳдаги бир қатор вакиллари шундай фикрлар билан чиқдиларки, уларнинг бу фикрлари ҳақиқий байналмилалчиликнинг намунаси эди.

Жумладан, таниқли Ўзбек маърифатчиси, жадидлар ҳаракатининг сардори, Маҳмудхўжа Бехбудий курултой ваколати масаласида сўзлаб: «Курултойда Туркистон Европа аҳолиси вакиллари иштироки этаётганлигининг ўзиёқ курултой қабул этган қарорлар обрўлироқ бўлади»-деган эди. Шу сабабдан, М.Бехбудий курултой ҳайъати шундай шакилланиши керакки, унда турли номусулмон гуруҳлардан ташқари, руслар, яҳудийлар ва бошқалар ҳам бўлсун, деб ҳисоблайди. Бу таклифни Андижон ва Қўқон вакиллари қўллаб-қувватладилар. Қўқон вакиллари курултой ҳайъатини вакилларнинг диний ва миллий белгиларга қараб эмас, балки билимдонлигига, ижодкорлигига, ишбилармонлигига қараб сайланишини таклиф қилдилар. Хуллас, очиқ овоз бериш йўли билан курултой ҳайъатига Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Мустафо Чўқаев, Обиджон Маҳмудов, Юрғули (Юрали) Оғаев, Саломон Абрамович Герцфельд, Ислон Шоаҳмедов, Камолқори, С.Акаев, Кишчинбоев, Абдурахмонбек Ўразаев, Абдул Бадин, Тилиев, Каримбоев, Маҳмудхўжа Бехбудий сайланди.

Курултой кун тартибига 1.Ўлкани бошқариш шакли: 2. Туркистоннинг «Казак аскарлари, Казак тоғликлари ва эркин чўл одамларининг Жанубий-Шарқий Иттифоқи (ЮВС)»га кириш масаласи: 3. Ижроия кўмитани сайлаш, унга бериладиган топшириқ (наказ)лар: 4. Туркистон Марказий мусулмонлар шўросини қайта сайлаш: 5. Бугунги аҳвол: 6. Туркистон таъсис мажлиси: 7. Милиция: 8. Молия ва бошқа масалалар қўйилди.

Кун тартибидаги биринчи масала: Туркистон ўлкасининг бўлғуси сиёсий тузими жуда катта баҳс ва тортишувлар билан муҳокама қилинди. Ушбу масалада курултойда сўзга чиққан нотиклар турлича фикр ва кўз қарашларни ўртага ташладилар. Жумладан, Бутунроссия мусулмонлар кенгаши Марказкомининг аъзоси, ноиб Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев Тошкентдаги сентябрь воқеалари қатнашчиси, 1917 йил майида большевойлар фирқаси сафига кирган Собир Юсупов, андижонлик вакил Латибжон Содикбоев, Ноиб Олимхон Тўра, Муфти, М.Бехбудий ва бошқаларнинг нутқлари курултойи қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Масалан, Убайдулла Асадуллахўжаев ўз маърузасида «Россияда ҳозир ҳақиқий ҳукумат йўқ.» Россия салтанати музофотида ҳамма миллатлар большевойларга қарши курашга бел боғладилар. «Бутунроссия Таъсис мажлисининг чақирилишига ҳеч қандай умид йўқ...», деди. У.Асадуллахўжаев ўз

чикишида зудлик билан Туркистонни мухторият бошқарувига ўтишига, депутатларни эса большовойларга қарши курашга чақирди.

Собир Юсупов ўзи большевиклар фирқасига мансуб бўлганига қарамай Россиядаги ва Туркистондаги воқеалар тўғрисида, айниқса большовойларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари, зўронликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. С.Юсупов қурултойга қарата Туркистон мухторият ҳуқуқини олишга ҳозир тайёрни? деган саволни ўртага ташлади ва ўзи жавоб қайтарди: албатта, тайёр эмас, лекин бундан мухторият эълон қилишимиз керакмас, деган ҳулосага бормаслик лозим. Озод яшашни хоҳлайсизми? демак, Туркистон мухтор жумхурият деб эълон қилинмоғи керак.

Л.Содиқбоев шундай дейди: «Большовойлар Туркистонни мухтор жамият деб эълон этмас эканлар, унда мухтор жумхурият деб эълон қилишимизга қаршилиқ кўрсатмасинлар. Чунки, Ислом дини давлатни демократик тарзда бошқаришга қарши эмас-ку.»¹

Олимхон Тўра эса: «Туркистон 50 йилдан буён Россия ҳукумати қўли остида. Руслар босиб олгач ерли аҳолининг диний, миллий суд ишларига дарров аралашмаса-да, аста-секин ўлка ҳаётининг ҳамма жабҳаларига қўл чўза бошладилар.

Февраль инқилобидан сўнг Туркистон халқи, озодликка эришдик, деб хурсанд бўлганди. Большовойлар ҳокимият тепасига келгандан сўнг, зудлик билан мухторият эълон қилармиш. Майли, лекин улар туркий мусулмонлар диний, миллий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ўлимдан қўрқмаслиги унутмасинлар», деди. Хуллас, Қурултойда сўзга чиққанларнинг аксарият кўпчилиги Туркистонга мухторият мақоми берилишига қаршилиқ кўрсатаётган большевикларнинг сиёсатига қарши кескин танқидий фикрлар изҳор қилиб, мухторият ва мустақилликни ҳимоя қилиб чиқдилар.

Қурултой муҳокама қилинган масала юзасидан Туркистон тараққиёти ва истиқболини белгилаб берувчи тарихий ҳужжат қабул қилди. Деярлик яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда (2 киши қарши) шундай дейилган эди: «Ўлка мусулмонларининг фавқуллоддаги IV қурултойи Туркистонда яшаб турган элатларнинг Улуғ Россия инқилоби эълон қилган асосларда ўз-ўзини белгилашга бўлган истак-иродасини ифодалаб, Туркистонни Россия федератив демократик республикасига бирлашган ҳудудий мухторият деб эълон қилади ва мухторият шаклини белгилашни энг яқин муддатда чақирилиши керак бўлган Туркистон таъсис мажлисига ҳавола этади, ҳамда тантанали сурада шуни маълум қиладики, Туркистонда яшаб турган майда миллатларнинг ҳуқуқлари ҳар қандай йўллар билан ҳимоя этилади.»

Қурултойнинг 28 ноябрдаги мажлисида таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи «Туркистон мухторияти»²дир, деган қатъий фикрга келинди. Туркистон ўлкаси халқлари Таъсис қурултойи чақирилгунга қадар ҳокимият батамом Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон халқ (миллий) мажлиси қўлида бўлади, деган ғоя илгари сурилди.

Қурултой Муваққат Кенгаш аъзоларидан ҳукумат тузилиши ва унинг таркибини 12 кишидан иборат бўлишлигини белгилаб берди. Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларининг сони эса, илгариги Бутунроссия Таъсис Мажлисига Туркистон ўлкасидан сайланган номзодлар сонига қараб (32 киши) белгиланди. Халқ мажлиси таркиби 54 номзоддан иборат бўлишлиги кўрсатилди. Унинг таркибига шаҳарларнинг маҳаллий бошқармаларидан ҳам 4 вакил киритиладиган бўлди. Халқ мажлисидаги ўринларнинг учдан бир қисми-18 киши европа миллатига мансуб халқ вакилларига ажратилди. Бу ҳол мухториятчиларнинг инсоф, диёнат ва имон асосида ҳақиқат, адолат ва демократиянинг

¹ Қаранг: **Рустамбек Шамсутдинов**. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2001. 31-46-бетлар.

² Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. Андижон “Andijon-Nashruyot-Matbaa”, 2004.

юксак чўққисида туриб фаолият кўрсатганликларининг ёрқин намунасидир. Чунки ўша даврда европа миллатларига мансуб аҳоли Туркистон ўлкасидаги умумий аҳоли сонига нисбатан 4,5-5 фоизни ташкил этгани ҳолда Халқ мажлиси уларга 3/1 ўрин ажратилган эди. Дарвоқе, Туркистон ўлкаси Таъсис Мажлисига сайловлар ҳақидаги Низом лойиҳасида ҳам номзодлар умумий сони 234 ўрин бўлгани ҳолда, уни икки гуруҳга- мусулмонлар ва номусулмонлар гуруҳига ажратилиши ҳам ана шу ўлчов ва андозадан келиб чиққан эди. Европа миллатига мансуб халқ вакилларига бу ерда ҳам 3/1 ўрин ажратилганлиги диққатга моликдир. Ниҳоят узоқ ва баҳсли тортишувлардан сўнг Курултойда Муваққат ҳукумат сайланди. Унинг таркибига 8 кишидан иборат кишилар киритилди: Муҳаммаджон Тинишбоев. Бош вазир, ички ишлар вазири, 2-чакирик Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукумат Туркистон қўмитасининг аъзоси, темир йўл муҳандиси. Ислон Султон Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов)-Бош вазир ўринбосари: Бутунроссия мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳукуқшунос. Мустафо Чўқаев-Ташки ишлар вазири: Муваққат Ҳукумат Туркистон Комитетининг аъзоси, Туркистон Мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг раиси, ҳукуқшунос. Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев-ҳарбий вазир, Бутунроссия мусулмонлар кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳукуқшунос. Ҳидоятбек Юрғули (Юрнали) Агаев-ер ва сув бойликлари вазири, аграрон. Обиджон Маҳмудов-озиқ-овқат вазири, Қўқон шаҳар думасининг раис ўринбосари, жамоат арбоби. Абдурахмон Ўразаев-ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳукуқшунос. Соломон Абрамович Герцфельд-молия вазири, ҳукуқшунос.¹

Туркистон Муваққат ҳукумати таркиби нега 12 та эмас-у, 8 киши деган ҳақли савол туғилиши табиийдир. Чунки ҳукумат таркибидаги 4 киши европа миллатларига мансуб аҳоли сафидан кўрсатилгач тўлдирилиши лозим эди. Бу эса Туркистон Мухторияти қанчалик демократик ва халқчил ҳукумат эканлигини кўрсатувчи бир далилдир.

Туркистон мусулмонларининг IV курултойи Муваққат ҳукумат кенгаши (миллий мажлис)ни ҳам сайлади.

Унинг таркибига қуйдаги кишилар кирди: Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Мустафо Чўқаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Садриддинхон Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Хожиев, Исмадулла Убайдулин, Саидносир Миржалилов, Саид Жаъфарбой Саидов, Ислон Султон ўғли Шоаҳмедов, Абдурахмонбек Ўразаев, Ҳидоятбек Юрғули Агаев, Носирхонтўра Камолхонтўраев, Миродил Мираҳмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Абдуқодир Қўшбеғиев, Обиджон Маҳмудов, Жамшидбой Қорабеков, Соломон Абрамович Герцфельд (Гершвельд) Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дорбисалин, Мусо Акчурун, Мустафо Мансуров, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Иброҳим Давлетшин, Муҳаммаджон Тинишбоев, Ҳалил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Олимхонтўра Шокирхонтўраев, Собиржон Юсупов ва Одилжон Умаровлар². «Шўрои уламо»нинг раҳбари Шерали Ляпин Кенгаш таркибига раис сифатида киритилди. Аммо у бу таклифни рад этди.

Курултой иқтисодий масалаларга ҳам катта эътибор берди. Мухтор жумҳурият Англия ҳукуматидан ҳарбий ёрдам билан бир қаторда иқтисодий ёрдам олиши ҳам таъкидланди. Бу ҳолни ўлкада ҳукм сураётган очлик тақозо этар эди. Нон маҳсулотларини пахта ва жунга алмаштириш масаласида бир фикрга келинди. Шу муносабат билан «Ўлкани Жанубий-Шарқий иттифоққа қўшилиши» тўғрисида муҳим қарор қабул қилинди. Чунки, Ўлка Шимолий Кавказ ва Оренбургдан ғалла маҳсулотлари оларди. Айни чоғда Туркистон ўз пахтасини уларга сотиши ҳам мумкин эди. Қолаверса, «Жанубий-Шарқий Иттифоқ» ҳудуди аҳолисининг катта қисми мусулмонлардан иборат эди. Аммо курултойда баъзи ноиблар Туркистонни яна мустамлака бўлиб қолишидан хавотирга

¹ R. Shamsutdinov., SH Karimov. Vatan tarixi. (O'zbekiston sovet mustamlakachilik davrida). Uchunchi kitob. "Sharq" Toshkent-2010.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.130.

тушадилар. Улардан бири бу ҳусусда ўз фикрини шундай баён этди: «Казаклар азалдан Самодержавиянинг суянчиғи бўлиб келган. Улар халқимизни қанчалик азоб-уқубатга дучор қилмади. Казаклар доимо инқилобга қарши чиққан. Ҳозир ҳам казаклар тепасида подишо тузумини қайта тикламоқчи бўлган Красновлар, Парауловлар, Калединлар турибди-ку?

Улар Олмония билан урушни ғалабагача давом эттирмоқчи. Истамбулни забт этиб, Оқ-София черковини қайта тикламоқчилар. Уларнинг биздан ёрдам сўраб мурожаат қилишига ягона сабаб-ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдир. Биз улар билан бирлаша олмаймиз.» мазкур масала шу қадар баҳсли ўтдики, Қурултойнинг 27 ноябрь кунидаги мажлисида ҳам мунозара давом этди. Ниҳоят, бўлғуси давлатнинг иқтисодий ҳолатини эътиборга олиб Иттифокка кириш ҳақида қарор қабул қилинди¹

Туркистон мухтор Республикаси мафкурасининг негизини ислом дини ғоялари ташкил этиши қурултойда махсус кўрсатилди. Бу ўлка мусулмонларининг II ва III қурултойларида ҳам таъкидланган эди.

Қурултой ўз ишини якунлаши олдидан яна бир марта Туркистон Мухтор республика деб эълон қилинганини тантанали сифатда такрорлади. Ноиблар бу сўзларни тик туриб тингладилар, худога шукроналар билдириб, Қуръони Карим сураларидан тиловат қилдилар².

Туркистон мухториятининг муваққат ҳукумат номидан унинг аъзолари: М.Тинишбоев, М.Чўқаев, У.Хўжаев, Ю.Оғаев, О.Махмудов, А.Ўразаев, И.Шоахмедов, С.Герцфельд имзоси остида халққа қарата декабрь куни мурожаат эълон қилинди. Мурожаат нома «Улуғ Туркистон»да (1917 йил 8 декабрь) эълон этилди.

Мурожаатда кўп миллатли Туркистон халқининг истагига мувофиқ демократик инқилобнинг улуғ асослари бўлмиш халқларнинг озодлиги, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашини амалга ошириш мақсадида Туркистон умуммусулмонларининг фавқулодда Ўлка қурултойи Туркистонни Россия Федерацияси Республикасининг таркибидаги мухтор республика, деб эълон қилгани қайд этилди.

Ўлкадаги жамики уюшмалар олдида турган муҳим ва маъсулиятли масалаларни эътиборга олиб, Туркистонда яшаётган турли миллатлар ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёт даражаларини ҳисобга олиб ва улар ўртасида дўстликни таъминлаш учун, ўлканинг ҳамма жойларида тартиб ва интизом жорий ўрнатиш мақсадида ўлка мусулмонлар қурултойи Муваққат Туркистон халқи Шўроси (Миллат мажлиси)ни сайлади. Мазкур Шўро ҳаёати Туркистон мухториятининг Муваққат ҳукуматини ташкил қилди, дейилди унда.

Бу ҳукумат зиммасига мумкин қадар тезроқ Туркситон Таъсис Мажлисини чақириш, Туркистон халқини озик-овқат билан таъминлаш чораларини кўриш, шу мақсадда «Шарқий-Жанубий Иттифок» билан алоқа ўрнатиш, ўлка мухторияти молия ишларини таъсис қилишга киришиш, халқ милициясини ташкил қилиш маҳаллий миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тадбирлар белгилаш, аскар ташкил қилиш ва бошқа вазифалар юклатилганлиги мурожаатда таъкидланди.

Умуммусулмонлар ўлка қурултойи, бирлик, ҳуррият, тенглик, асосларини тасдиқ этди. Туркистоннинг барча фуқароларини, мусулмонларини, рус яҳудийларини, ишчи, аскар ва европалик деҳқонларни, ўлкада яшовчи ҳамма элат, халқларни, шаҳар ва земство идораларини, барча давлат маҳкамаларини, умумий ва хусусий муассасаларини эътироф этиб, уларга ўз зиммаларига олган оғир вазифаларини ҳал этишда ёрдам бериш ҳам шу мурожаатда кўрсатилди.

¹Дониёров Шониёз. Мухторият қисмати. -«Шарқ Юлдузи», 1991, 12-сон, 160-бет.

²Дониёров Шониёз. Мухторият қисмати...161-бет.

Хурриятга эришган Туркистон ўз худудида, ўз жойига ўзи хўжайин бўлиши, ўз тарихини ўзи вужудга келтириши даврини бошлаб берганини мурожаат уқтириб ўтди.

«Биз,-дейилган эди унда,-олдимизда турган масалаларнинг муҳимлигин ва улуғлигин комил суратда англаб, ҳам ишлаган ишларимизнинг ҳақлигига ишониб, худодан мадад тилаб ишни бошлаймиз.»

Мурожаат ўлка халқлари, айниқса мусулмон аҳолиси томонидан зўр қувонч ва тантанавор қабул қилинди.

Халқ кўпдан бери орзу қилиб келган миллий давлатга эга бўлганидан беҳад шоду-хуррам эди.

Мухторият эълон қилинган кундан бошлаб омма ўртасида ўзининг сиёсий фаолиятини авж олдирди. Энг аввало мусулмон сиёсий ташкилотлари ва улар ихтиёридаги тарғибот ҳамда тартибот ишларини кучайтирди. Тараккийпарварлар, маърифатпарвар миллий ёшлар гуруҳи ва уюшмалари ҳам мухториятни кенг тарғиб этдилар. Тошкентда «Ишчилар тўдаси», Андижонда «Маъриф ҳаваскорлари» уюшма ва жамиятлари Мухторият манфаати йўлида иш олиб борди. Уларнинг фаолиятида Тошкентда Акмал Икромов, Андижонда Усмонхон Эшонхўжаев ва бошқаларнинг ўрни катта бўлди. Мухторият ўзбек, рус ва қozoқ тилларида газеталар чиқара бошлади. Бу «Эл байроғи», «Свободний Туркестан» ва 1917 йил 13 декабрда рус тилида чиқа бошлаган «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана» шулар жумласидандир. Обиджон Маҳмудовнинг босмахонаси ҳам мухторият ҳукумати ҳисобига ўтди. Қўқон шахридан Мухторият ҳукумати номидан уездлар комиссарларига ва мансабдор шахсларга фармойишлар, телеграммалар ва турли кўрсатмалар йўлланиб, улар орқали жойларда Мухтор Ҳукуматнинг бирдан-бир қонуний ҳукумат эканлиги ва шу боис фақат унинг кўрсатмаларини тан олиш лозимлиги таъкидланди. Шундай ҳоллар ҳам бўлдики, жойлардаги ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Шўролари Мухториятни тан оламай унинг фармойишларини ҳам йўққа чиқаришга ҳаракат қилдилар. Жумладан, Каттақўрғон Шўроси 1918 йил 11 январда шундай йўл тутди. Мухтор Ҳукумат бундай уринишларни даф этиш чораларини кўрди. Мухтор Ҳукумат шошилинич равишда 30 миллион сўмлик заём чиқаради. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳукуматни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва миллий армия тузиш эди. Миллий қўшин тузиш ҳаракати бошлаб юборилди. Аввал бошда ҳукумат ихтиёрида 60 ёлланма аскар бўлган бўлса, қисқа фурсатда Мухторият ихтиёрида 2 минг кишилиқ қўшин ҳозир бўлди. Бундан ташқари Қўқон милициясининг бошлиғи Эргашнинг қўл остида ҳам анчагина кучлар бор эди. Миллий армияда ҳориждан чақирилган ҳарбий кишилар, аксарият ҳолда турк зобитлари йўриқчилик ишларини олиб бордилар. Айни вақтда милиция қисмларини тузишга ҳам киришилди.

Бу борада Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев бош бўлган ички ишлар вазирлиги халқ милициясининг ташкил бўлиши катта воқеа бўлди. Пул ислоҳоти ўтказишга киришилди. Заём чиқарилди. Мухторият ўз байроғи ва мадҳиясини яратди. Шуниси эътиборлики, Мухториятни бир қатор ҳорижий мамлакатлар ҳам тан олди. Шу боис Мухторият ҳукумати ёрдам сўраб ҳорижий мамлакатларга мурожаат қилди, улардан ҳам моддий, ҳам ҳарбий ёрдамлар олишга муваффақ бўлди.

1918 йил январида Тошкент Жоме масжидидаги йиғинда нутқ сўзлаган Шукурхон Ҳазратлари «... Мухториятчилар ёлғиз эмаслар. Уларни Англия ҳимоя қилаётир» деган эди. Мухториятни Англия, Франция, Германия, Туркия ва бошқа давлатлар қўллаб-қувватлаган эдилар¹.

¹ Қосимов Йўлчи. Қора кўзайнак билан ёзилган тарих. –Наманган, 1993, 28-бет.

Хуллас, Туркистон мусулмонларининг фавкулудда IV курултойи ўлка халқларининг тарихий тақдирида буюк бурилиш аҳамиятига эга бўлган қарорларни қабул қилди. Бу улкан аҳамиятли воқеа «Улуғ Туркистон» газетасида ўз даврида одилона баҳоланди. Газета бу ҳақда қуйидаги жумлаларни ёзди: «Большевойлар ҳукуматининг бошлиғи Ленин ҳам сўнгги фармонида Россияда яшаган миллатларга ва шу жумладан Қозоқлар ила Туркистон мусулмонларига мухторият эълон қилиб, ўз ишларини қўлларига олурға мумкин бўлганлигини баён этди. Шунлиқдан буқун Туркистон курултойининг Туркистон Мухториятини эълон қилиши ҳам халқ, ҳам марказ ҳукуматининг тилагига ҳилоф тугулдир. Зотан, сўнгги вақтда майда миллатлар ҳаммаси Мухторият эълон қилиб еталар. Нуфузлари бошқаларга қараганда юздан етмиш беш бўлгон (75 фоиз) миллатлар ерли мухторият эълон қилурға ҳақли эдилар. Сўнгги қоидаларга кўра юздан олтмиш ташкил қилгон (60 фоиз) миллатларда мухторият эълон қилурға ҳақли санала бошладилар. Ҳол шу ила юзга ташкил қилган (95 фоиз) Туркистон мусулмонларининг Мухторият эълон қилишига ҳақлари борлигин ҳеч ким инкор қилаолмасе керак. Биздан вакил чақирган эди ва ёхуд биз бу ишни эртароқ кўрамиз деб кўришурда ўринсиз, ҳам мусулмон манфаатига ҳилофдир. Саккиз ойдан бери ерли Туркистоннинг Мухторияти ҳақинда сўйлаб келиб, келубда бугун мухториятга қарши чиғалар ва ёхуд тасдиқ этмасдан монё бўлурға экан, бу иш мусулмонларнинг бутун ориға имон ва эътиқодлариға қарши болта чопадигон сўз бўлажакдур. Мусулмонлар бу кун мухторият эълон қилар экан, бунинг ила ҳеч кимнинг ҳуқуқига тегмаслар, бу билан Туркистон Россиядан асло айрилмай, балки унинг бир мустақил аъзоси бўлиб қолади. Туркистонда яшаган рус, яҳудий, армани ва бошқа ҳар миллатга ўзининг ҳақи берилар. Улар ҳам Туркистон мухториятининг тенг ҳуқуқли бир аъзоси бўлиб яшажаклар.

Туркистонликлар... қон тўкилишидан сақлануб, мумкин қадар сабр қилурлар. Фақат шуни хотирадан чақарурға ярамайдирки, Самарқанддан келган бир вакил курултойда айтди: -«Туркистоннинг ери-бизнинг танимиз, суви-қонимиздир... Кимда-ким бу иккисига тегадургон бўлса, бизнинг танимиз билан қонимизга туқулгон бўлажак», - деди.

Шу боисдан Туркистон халқининг ҳуқуқига тажавуз қилинаверса, бунинг охирида шундай кўнгилсиз воқеалар бўлурға мумкинмурки, бу воқеалар олдинда сўнгги Тошкент воқеаларининг (Тошкентдаги 1917 йил 13 декабрь воқеалари назарда тутилмоқда-муаллифлар) бир кичкина бир кўланка бўлиб қолувчи эҳтимолларида йўқ тугулдир»¹. Кун тартибидаги эндиги бош муаммо Туркистон мусулмонлари IV курултойи қабул қилган ва илгари сурган ғояларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида, ўлкадаги кенг меҳнаткашлар оммасининг бу қарор ва ғояларини қўллаб-қувватлашида, Туркистон мухторияти атрофида бирлашиб унинг орқасидан фаол эргашувида қолган эди.

Кўкон шаҳрида Туркистон мусулмонларининг фавкулудда IV курултойи бўлиб ўтганлиги ва унда Туркистон мухториятининг ташкил этилганлиги тўғрисидаги хабар тезда бутун ўлка меҳнаткашлар оммаси ўртасида кенг тарқалди ва катта қизиқиш уйғотди. Турли шаҳарлар ва туманларда Туркистон мухторияти баланд ва кўтаринки руҳ ва шоду-хуррамлик билан кутиб олинди, Мухториятни қўллаб-қувватлаб жойларда кўп минг кишилиқ митинг ва намойишлар уюштирилди. Жумладан, 1917 йил 6 декабрда Тошкент шаҳридаги Эски Жувадаги Бекларбеги жомеъ масжидида уюштирилган митинг бу хусуда характерлидир. Унда 60 минг шаҳарлик фуқаролар қатнашдилар. Мазкур митингни ташкилотчилари «Шўрои-Исломчи»лар ва «Шўрои уламочи»лар эдилар. «Улуғ Туркистон» газетасининг берган хабарига қараганда: «Масжиднинг ички саҳни ва томлари одам билан лик тўлган». Митинг Саидғани Маҳмуд раислигида ўтган. (Мунавварқори Абдурашидхонов, Мулла Одил, Шерали Ляпин ва бошқалар унинг ўринбосарлари эдилар). Газета митинг қатнашчилари Туркистон мухториятини батамом

¹ Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб, иккинчи қисм. -Андижон: Мерос. 1998.

қўллаб-қувватлаганликларини ёзади. Митинг Туркистон мухториятидан бошқа ҳукуматни тан олмаслик тўғрисида қарор қабул қилди. Митинг иштирокчилари «Омин, оллоҳу акбар!» деб юзларига фотиҳа тортиб Халқ кенгашига содиқ қолишга қасамёд қилдилар.

Қабул қилинган қарорда жумладан, қуйидаги сатрлар бор эди: «Биз мусулмонлар синф айрималарга қарамасдан, Туркистон мухториятини олқишлаган ҳолда, Қўқондаги Ҳавкуллода қурултой тарафидан эълон этилган Туркистонда халқ ҳукуматини вужудга келтирув ҳақидаги қарорга бутун вужудимиз бирла қўшилиб, ишонамизки, буюк Россия инқилоби тарафидан эълон этилган ҳокимияти асосларининг суюнчи ҳақини Россиянинг бирлашган демократияси Туркистон халқининг тарафидан бир оғиздан баён этилган тилагига қўшилар ва ўз кунимизни ўзимиз қура бошлашда ёрдам этар.

Шунга имон этган ҳолда биз ўлкадаги ҳамма мусулмонларни Мухториятли Туркистон ҳукумати атрофида жипслашиб, ҳозирги ўлка идораси бошида бўлиб турган муваққат ташкилотлар билан қандай бўлмасин душманларча муомала қилувдан сақланишга даъват қиламиз.

Туркистон Мухторияти амалий суратда тезроқ вужудга келиши учун тинч ва тотувликни сақлашимиз керак. Токи шунинг орқасида ўзаро сўғиш (уруш-муаллифлар) ва бугундан эътиборан ҳур бўлган Туркистоннинг бир тўғон каби халқларимиз орасида гуноҳсиз қон тўқилмасин».

«Яшасин Мухториятли Туркистон»¹

Митинг қатнашчилари Шўро ҳукуматига нисбатан ҳам ўз муносабатларини билдирдилар. «Улуғ Туркистон» газетаси тарқатган хабарларга қараганда митингда ҳозир бўлганлар «Халқ комиссарлари шўросининг «Давлат думасини тарқатиб юбориш тўғрисида»ги буйруғини «... бугунги кунда мутлақо мумкин бўлмаган ҳодиса» деб қоралаганлар. Чунки: «300 минг киши номидан демократик йўл билан тўрт босқичли сайлов ҳақидаги қонунга мувофиқ сайланган Тошкент Думаси аъзолари ўрнига 700-800 аскар ва ишчилар Александров паркида сайлаган 4-5 комиссар билан алмаштирилган ҳолос.»²

Хуллас, Тошкентда 6 декабрда ташкил этилган митинг Туркистон мухториятини ҳимоя қилиш байроғи остида ўтди ва меҳнаткашлар оммасининг фаоллигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаш ва унга ҳайрихоҳлик ҳаракатлари ўлка шаҳар ва қишлоқларида ҳам бўлди. Бу ҳақда ўз вақтида Туркистон ўлкасида чиқадиган оммавий ахборот воситалари кенг маълумотлар бердилар.

1917 йил 1 декабрида Наманган уездида 10 мингга қадар киши қатнашган оммавий халқ намоёйиши бўлди. Унда намоёйиш қатнашчилари «Яшасун Мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!» деган шиорлар ёзилган даъватларини кўтариб бердилар.

Бундай ҳаракатлар 6 декабрда Андижон уезди Жалолобод районида қарашли Хонобод қишлоғида ҳам бўлди. Бу ерда бўлган бир неча минг кишилиқ намоёйиш қатнашчилари Фозилмон ота мазоридан то бозор жойга қадар йиғилиб турди. Абдулла Эшон ва Ҳусейн Валиди намоёйишчилар олдида сўзга чиқиб халққа Мухториятнинг ташкил этилиши ва унинг мақсадлари ҳақида гапириб бердилар. Намоёйиш қатнашчилари Туркистон Мухториятини моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида 500 сўм маблағ тўплаган эдилар³.

¹ Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб, иккинчи қисм. -Андижон: Мерос. 1998.

² Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб, иккинчи қисм. -Андижон: Мерос. 1998.

³ Ўша манба.

Туркистон ўлкаси халқларининг мухторият учун кураши тарихида айниқса 1917 йил 13 декабрда Тошкент шаҳрида содир этилган қонли фожеалар айниқса аянчли ва даҳшатли из қолдирди, мустамлакачи Шўролар ҳукуматининг асл жаллодлик ва қонхўрлик қиёфасини очиб ташлади. Чунки худди шу куни Тошкент шаҳар Шўросининг буйруғи билан қизил гвардиячи аскарлар мухторият талаб қилиб чиққан Тошкент шаҳар мусулмон аҳолисини беаёв қирғин қилди, гуноҳсиз аҳолининг қутлуғ қонлари шаҳар кўчаларида ариқдек оқди. Туркистон халқларининг истиқлолчилик ҳаракати тарихида бу куннинг ўрни катта эканлигига эътибор бериб, 1959 йил 17 июлда АҚШ конгресси мазлум халқлар ҳафталигини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганда, 13 декабрни Туркистон куни деб белгилади.

1917 йил 6 декабрда Тошкентнинг Эски Жува масжидида бўлган митингда 13 декабрда навбатдаги митингни ўтказишга қарор қилинган эди. Бу кун мусулмонлар учун муқаддас-Мавлуди шариф байрам куни эди. Туркистон мухториятининг муваққат ҳукумати 13 декабрни «Туркистон мухториятининг миллий жамғармасига пул йиғиш куни» деб эълон қилди ва тўпланадиган маблағни мустақиллик ва озодликни мустаҳкамлашга хизмат қилажагини билдирди.

Мухтор ҳукумат аъзоларидан М.Тинишбоев, С.Герцфельд, И.Шоаҳмедов, А.Ўразоев ва бошқалар имзо чеккан «Мурожаатнома»да Туркистон ўлкаси мусулмонларининг фавқуллодда бўлиб ўтган IV қурултойининг қисқача иш якунлари, Мухтор ҳукумат олдида турган вазифалардан ташқари Туркистон ўлкаси халқларига қаратилган чақириқлар ҳам бор эди. Бу чақириқда биз қуйидагиларни ўқиймиз: «Туркистоннинг барча фуқаролари-мусулмонлар, руслар, яҳудийлар, ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар, ўлкада яшаб турган барча элатлар ва халқлар, шаҳар ва земство бошқармалари, сиёсий, ижтимоий ва касаба уюшмалари, барча давлат, жамоат ва хусусй муассасалар, Туркистон халқ ҳокимияти атрофида бирлашиб, унинг зиммасига юкланган вазифаларни ҳаётга жорий этишда кўмак беришга чақиради. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ваҳимали урушлар гулдираги остида бутун жаҳонга ўт кетай деб турган бир маҳалда дунё халқлари ўз озодликларига замин яратадилар. Инсон қони билан тўйинган ер кўкларга қараб оҳ чекади ва ҳориган инсон кучсизланиб қонли қиличини қуйи солади. Одамзоднинг ақлсизлиги илоҳий онг олдида тан беради ва шундай кун яқинлашадирки, бутун ер юзида тинчлик барқарор бўлиб дунё халқлари мавжуд куч ила бузилган ҳаётни қайта барпо этишга киришадилар... Мана энди, занжирлардан халос бўлган Туркистон ўз ерига ўзи хўжайин бўлиб, тарихини ўз яратажак вақти келди. Бизларнинг олдимизга қўйилган масалаларни ниҳоятда маъсулиятли ва улуғворлигини англаган ҳолда, ўз ишимизнинг ҳақлигига жуда чуқур ишонган ҳолда биз Оллоҳу таолодан ўз меҳнатларимизга ривож сўраймиз ва ишга киришамиз»¹.

Худди шу кунларда Тошкент шаҳар шўросига Эски шаҳар аҳолисидан митинг ва намойиш ўтказишни сўраб ариза берилади. Тошкент шаҳар шўроси аризани ижобий ҳал қилади ва Эски шаҳарда митинг ва намойиш ўтказилишига рухсат берилади. Аммо янги шаҳарда бундай тадбирларга ижозат этилмайди.

Митинг 13 декабрда Шайхонтоҳур масжиди олдида соат 12 00 да бошланди. Кўп минг кишилиқ мазкур митингда турли сиёсий-партияларнинг раҳбарлари ва Шўролар Халқ комиссарлари кўмиталари аъзолари катнашдилар. Ҳар қанча таъқиқларга қарамасдан митинг ва намойишда мусулмонлардан ташқари руслар, арманийлар, яҳудийлар, хуллас большевойлардан бошқа барча ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг вакиллари иштирок этдилар.

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.134.

Жадидчилик ҳаракатининг атоқли ва йирик вакилларида бири Мунавварқори Абдурашидхонов митингни очар экан, йиғилганларни муборак байрам айёми билан табриклайди. Митингда Тошпўлатбек Норбўтабеков ва Садриддин Махдумлар котибликка сайландилар. Бу ерда ҳозир бўлган ислом уламолари Қуръони Каримдан суралар ўқийдилар. Турли сиёсий ва ижтимоий ташкилотларнинг вакиллари митингда сўзга чиқиб меҳнаткаш омманинг мухторият учун курашга чақирдилар, улар ўзларини Халқ комиссарлари атаб халқ манфаатига, миллат манфаатига қарши бўлган большевойларни, кескин танқид қилдилар. Митингда оташин нутқ сўзлаган бундай шахслар Мунавварқори Абдурашидхоновдан ташқари Саид /анихон, Шерали Ляпин, Мулло Одил муфтий ва бошқалар эдилар. Рус фуқаролари номидан митингда доктор Шортц фаол қатнашди ва у митинг вакилликка сайланди. Қора кучлар ҳар доим оммавий халқ ҳаракати уюшган мазмун касб этиб, ривожланиб бораётган пайтда уни барбод қилиш ва пайини қирқиш мақсадида айғоқчиларни ишга соладилар ва ғаламислик каби ишларни амалга оширадилар. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Шайхонтохур масжиди maidонида митинг қизиб турган бир пайтда бир гуруҳ айғоқчилар шумлик ниятида тўпланганларга қамокхонага бориб собиқ муваққат ҳукумат аъзоларидан комиссар Г.И.Доррер ва бошқаларни тезлик билан озод қилиш ва сўнгра ҳокимиятни қўлга олиш керак, деган таклифни илгари сурдилар. Қони қайнаб турган бир гуруҳ митинг қатнашчиларига бу чақириқ ўз таъсирини кўрсатди. Улар дарҳол умумий оммадан ажралиб, Ўрда кўпригидан ўтиб янги шаҳарга-қамокхона томон юрдилар. Ана шу тариқа айғоқчиларнинг ифвогарлик ҳаракати туфайли биринчидан, умумхалқ ягона оммавий митинги иккига бўлиниб кетди ва кучсизланди. Иккинчидан эса уюшган, онгли ва мақсадли кураш усули ўрнига оломон кураши, стихияли бошбошдоқлик кураши йўлига ўтилди. Бундай кураш усули большевойлар бош бўлган Тошкент шўролар ҳукуматига қўл келар эди, улар бу ифвогарлик ва бошбошдоқлик ҳаркатидан ўзларининг разил мақсадларида баҳона сифатида фойдаланишлари мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Буни воқеаларнинг сўнги ривожланиб бориши очиқ-ойдин кўрсатди.

Янги шаҳар томон намоишчиларнинг бир гуруҳи шаҳар соқчилари бошлиғи Гуровични гаровга қўлга олдилар. Сўнгра улар қамокхонага томон юриб Муваққат ҳукумат аъзоларини озод этишни талаб қилдилар. Қамокхонадан Доррер ва Иванов озод этилдилар. Намоишчилар уларни автомобилга ўтказиб Кауфман боғи (Ҳозирги Амир Темур хиёбони) томон юрдилар. Қизил гвардиячилар машинани тўхтатмоқчи бўлганларида яна ифвогарлик билан оломон ичидан ўқ отила бошлади. Бу аскарларга жавоб ўти очишга баҳона бўлди. Дастлаб милтиқлардан сўнгра пулемётлардан бебош оломон намоишчилари тўдаси устига дўлдек ўқ ёғдирилди. Ана шу тўс-тўполонда Эски шаҳарлик мусулмонлардан 16 киши қурбон бўлди. Большевойлар Доррер ва Ивановни қўлга олиб отиб ташладилар. Мазкур фожеа муносабати билан Туркистон мухторияти раҳбарияти халққа қарата мурожаат қилдилар.

Унда бундай дейилган эди: «Биз Халқ Мажлиси ва Туркистон мухторияти Муваққат ҳукуматининг аъзолари чин юракдан таассуф билдирамиз ва туркистонлик мусулмонларнинг эзгу ҳис-туйғуларини ҳақоратловчи бу воқеаларга қарши чиқамиз. Ана шу муносабат билан бизлар мамлакатда тартиб ва осойишталик ўрнатилиши учун зарурий чоралар кўрилиши йўлида барча кучларимизни ишга соламиз. Ҳозирча эса Туркистон халқидан собитлик ва хотиржамлик кўрсатишларини сўраймиз. Бу энг оғир кунларда мусулмонларнинг тинчликни сақлаб қолишлари ниҳоятда зарурдир.»¹

Қонли фожеа содир этилган заҳотиёқ Тошкентдан Петроградга Халқ Комиссарлари Шўросига қуйидаги мазмунда телеграмма жўнатилади: «Қўконда реакцион буржуазия томонидан тайёрланган мусулмонлар қурултойи Туркистон мухториятини эълон қилди, энди вужудга келган мухторият ҳукумати Туркистон пролетар оммаси томонидан тан

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.138.

олингани ҳолда, бор кучи билан ўлканинг айрим шаҳарларида мухториятни эълон қилишга тайёрланмоқда. Шу йил 13 декабрда Муҳаммад пайғамбар туғилган кунда Тошкентда мухторият эълон қилинди». Мазкур телеграммага жавобан Петрограддан «Жойларда ҳокимият сиз, ўзингиз, демак, сиз ўзингиз буйруқларни ишлаб чиқинг» деган мазмунда телеграмма Тошкентга жўнатилди.

Ана шундан сўнг, Туркистон Халқ Комиссарлар Шўроси Мухторият масаласида махсус қарор қабул қилди ва Ижроия Қўмита тасдиқлади. Мазкур қарор деярлик большевойларнинг нашрига айланиб қолган «Наша газета»да эълон қилинди. Унда жумладан бундай дейилган: «Туркистон Таъсис қурултойи чақирилади. Фақат унинг ўзигина Туркистон ўлкаси Мухториятини эълон қилишга ҳақлидир». Бизнингча бу қарор ортиқча изоҳга муҳтож эмас. Большевойлар Туркистон мусулмонларининг фавқулудда чақирилган IV қурултойи томонидан эълон қилинган Туркистон Мухториятини тан олмадилар. Улар Туркистон ўлкаси Таъсис мажлисини ўз ташаббуслари билан чақириб ўзларига маъқул ва ўзларига ёқадиган мухториятни келажакда ташкил этишни режалаштирган эдилар. Оқибатда шундай бўлди ҳам.

Шу нарсага алоҳида эътибор бериш жоизки, Туркистон ўлкасидаги сиёсий гуруҳларнинг Туркистон Мухториятига бўлган муносабати турлича бўлди. Бу табиийдир, албатта. Большевойларнинг Туркистон Мухториятига салбий муносабати юқорида таъкидланди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки мустамлака ўлкаси бўлган Туркистонда ҳокимиятни ҳеч ким билан бўлишмасдан ёлғиз ўз қўлига олишга интилаётган большевойларни бу борада позициясини тўғри тушунса бўлади.

Февраль буржуа-демократик инқилобидан сўнг Туркистонда қарор топган муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси, кадетлар, эсерлар ва меньшевиклар партияларининг вакиллари Туркистон ўлкаси халқларига мухторият ҳукуқи берилиши тарафдори бўлган. Аммо энг афсусланадиган ва надомад чекадиган жойи шундаки, Туркистон мухторияти масаласида туб ерли мусулмон халқларнинг истиқлолчилик ҳаракати фидойилари сафларида муваффақият ва ютуқнинг энг зарур шарти-ўзаро бирлик, ҳамдардлик ва ҳамкорлик бўлмади. Таққослаш маъносида қуйида ҳарактерли бир мисолни келтириш ибратли сабоқдир. Туркистон эсерлари 1918 йилнинг 8-10 январиди бўлиб ўтган иккинчи қурултойларида Туркистон мухториятининг муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлабгина қолмадилар, ҳатто мажлисига ўз вакиллари Скомороховни юборишга қарор қилдилар. Маҳаллий мусулмонлар вакиллари бўлган «Шўрои Уламо»чилар эса ҳар галгидек бу сафар ҳам Тошкентдаги Жомеъ масжиди майдонидаги митинг давомида Туркистон умуммусулмонларининг ягона жабҳасини бўлиб юбориш йўлидан бордилар. Бу қуйидаги ҳолларда ўз акс-садосини топди. Жомеъ масжидидаги митингда уламочиларнинг вакиллари сўзга чиқиб муваққат ҳукуматни танқид қилдилар, «...улар шу вақтгача бизнинг мафаатимиз учун ҳеч нарса қилолгани йўқ», дедилар ва уни қўллашдан бош тортдилар. Бу оддий халқ оммасини гангитиб боши берк кўчага киритиб қўяр эди. Чунки Туркистон Мухторияти ва унинг ҳукумати муваққат ҳукуматни ҳимоя қилаётган эди. «Улуғ Туркистон» газетаси муҳбирининг қайд этишича уламочиларнинг тутган йўли мусулмонлар ўртасида кенг тарқалиб фикрларнинг бўлинишига сабаб бўлган. Уларнинг баъзилари ҳайрон бўлиб: «бу қанақаси?! Аввалига «Уламо» бизни Мухторият учун қасамёд қилдирди, энди эса қарши бўлишга чақиряптими?» Дарвоқе мазкур митингда бунда-буён Тошкентда алоҳида мухторият эълон қилиниб, унинг номидан иш қўрилишига қарор қилинади¹. Бу воқеа кенг жамоатчилик ўртасида парокандаликка сабаб бўлди. Ҳатто «Уламо»чилар сафида ҳам тушунмовчиликларни келтириб чиқарди. Жумладан Тошкент «Уламо»чиларнинг Туркистон Мухториятини тан олмасдан ўзларига бошқа бир «Тошкент уламози жумҳурияти» деб аталувчи мухториятни ташкил этиш борасидаги

¹ Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб, иккинчи қисм. -Андижон: Мерос. 1998.

хабар Фарғоналик уламочилар қулоғига етиб боргач, улар тўпланишиб дарҳол бу масалани муҳокама қилдилар. Тошкентлик уламочиларнинг бундай ҳатти-ҳаракатидан норози бўлган Фарғоналиклар ягона бир фикрга келишиб Тошкент «Шўрои Уламо»сига мурожаат этдилар. Бу мурожаат номани Тошкентга қўқонлик уламочи Мулла Камол Қози ва марғилонлик домулло Қосимхон қози олиб келган эди. Мурожаатномада Фарғоналик Уламочилар ўз маслакдошларининг умумтуркистон иттифоқидан ажралмасликка даъват этдилар. Унда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Рус золимларидан халос бўлмоқлик учун Туркистон аҳли ва унинг вакиллари Мухторият эълон қилдилар. Шундай муҳим ва маъсулиятли вазиятда биз ихтилоф ҳолатида бўлишимиз яхши эмасдур. Муборак ватанимиз ва динимизни саломатлиги иттифоқ ва иттиҳоддадур». Фарғона уламочилари ўз мурожаатларида «Ҳадис»дан мусулмон уммати бирлиги тўғрисида айтилган сўзларни намуна тариқасида келтириб умуммусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш ва Туркистон мухторияти атофида янада кучлироқ жипслашишга даъват этдилар.

Туркистон мухториятини ҳимоя қилишда Қўқон шаҳрида ўз ишини бошлаган мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I фавқулодда қурултойи қабул қилган қарорларнинг аҳамияти катта бўлди. Мазкур қурултойда 200га яқин вакил қатнашди: 93 киши Фарғона вилоятидан, 40 киши Самарқанд вилоятидан, 30 киши Сирдарё вилоятидан, 5 киши Каспийортдан, 4 киши Бухородан ва ҳоказо. Қурултой ишида турли гуруҳ ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар. «Мусулмон меҳнаткашлар»дан 100 кишига яқин, хизматчи ва деҳқонлардан-10, мусулмон аскарлардан-16, ишчилардан-2, хусусий жамиятлардан-5, вилоят шўроларидан-1, сартарош-1, талабалардан-6 киши эди. Мазкур қурултой ўз таркибига кўра унинг моҳияти ва характери очиқ-ойдин ифода этсада большевойлар қурултойни тан олмасликлари аниқ эди. Лекин шунга қарамадан, ўз вақтида «Улуғ Туркистон» газетаси бу ҳақда шундай ёзган эди: «Большевойлар бунга қадар Қўқонда бўлган 4-фавқулодда мусулмонлар съездини бойлар ила муллалар (буржуйлар) қурултойи деб қарадилар ва шул баҳона ила идорани мухторият ҳукуматида бермийлар эди. Энди бу баҳонага жой қолмаган бўлса керак. Чунки ҳозир Туркистон мухторияти ишчи, деҳқон ва улар тарафидан буюк бир миқдорда вакиллар сайланиб, мухторият идораси тамомила демократия асосина қўйилди. Бундан сўнг большевойлар қандай бир баҳона топиб мухториятга қарши туралар экан?»¹

Туркистон мухториятига нисбатан муносабат Қўқонда очилган қурултойининг бош вазифаси ҳисобланар эди. Мусулмонларнинг ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари I Қурултойининг очилишини Туркистон Ҳарбий Шўроси раҳбари Ориф Клевлеев, Қозон мусулмонлари Ҳарбий Шўроси вакили аскар Исмат Убайдуллин, Кавказ мусулмонларидан Пири Мурсилзода, Самарқанд ишчи ва аскар депутатлари Шўроси вакили Пономарев, Қўқон уезд комиссари Акаев, Тошкент Ҳарбий Шўроси аъзоси Султонов, Қўқон шаҳар ҳокими ўринбосари. О.Маҳмудов ва бошқалар қўллашди. Қурултойда Муваққат халқ мажлиси номидан Ислон Шоаҳмедов ва эсерларнинг вакили Миллер нутқ сўзлаб табрикладилар.

Қурултой иштирокчилари 1917 йил 13 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган хунрезлик ва фожеалар муносабати билан қурбон бўлганлар хотирасини ёдга олдилар ва Қуръону Каримдан тиловатлар ўқидилар. Шундан сўнг қурултой ҳайъати сайланди. Унинг таркибига Абдулла Авлоний, Санжар Асфандиёров² ва бошқалар киритилди.

Кун тартибидаги бош масала-Туркистон мухториятига муносабат, кескин баҳс, мунозаралар ва тортишувлар билан бир неча кун Қурултойда муҳокама қилинди. Ниҳоят қурултой Туркистон мухторияти Муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

¹Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб, иккинчи қисм. -Андижон: Мерос. 1998.

² Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб. -Андижон: Мерос. 1998.

қарор қабул қилди. Қурултой қабул қилган қарорда мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари анжуман вакиллари Туркистон мухторияти муваққат ҳукумати таркибига киритишни мақсадга мувофиқ деб топдилар.

Қурултойда Петроградга, Халқ комиссарлари шўроси раиси В.И.Ленин номига телеграмма юборишга қарор қилинди. 1917 йил 27 декабрда жўнатилган телеграммада бундай дейилган эди: «Халқ Комиссарлари шўроси эълон қилган шиорлар Туркистонда жорий этилмоқда. Бутун Туркистон халқи иккала қурултойда Туркистон мухториятини бир овоздан эълон қилди ва Туркистон Таъсис мажлисига ўлкани бошқаришнинг сўнгги шаклини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Барча шаҳар ва қишлоқларнинг турли ташкилотлари намоишлар ва қарорларида мухториятнинг эълон қилинишини қўллаб-қувватлаётдилар. Сайланган Халқ Шўросида руслар ва овруполиклар шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг 2 фоизини ташкил этсада, биз томонимиздан 33 фоиз ўрин ажратилган, халқларнинг урушга чек қўйилиши, аннексия ва контрибуциясиз сулҳ тузилишига бир овоздан қўшиламыз.

Мусулмон пролетариатининг фавқулудда Қурултойи Халқ комиссарлари Шўроси томонидан Туркистон мухториятининг мустақамланиши учун ҳақиқий чоралар кўрилади, шу билан халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш тўғрисидаги шиорининг қатъийлиги ва бунга чин дилдан интилаётганлигини намоиш этади, деб ишонади. Туркистон мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I- фавқулудда қурултойида қабул этилган қарорлар ҳақида маълумот бериб, сизлардан Россия демократик республикасининг олий ҳокимияти сифатида Тошкент Халқ Комиссарлари Шўросига ҳокимиятни Туркистон муваққат ҳукуматига топшириш тўғрисида фармойиш беришингизни сўраймиз. Бу билан сиз Туркистонни жуда катта фалокатга олиб келувчи анархия ва қўш ҳокимиятчиликдан қутқарган бўлув эдингиз»¹.

Мазкур телеграммага 1918 йил 5-январда шўролар ҳукуматининг миллатлар ишлари бўйича комиссари И.В.Сталиндан қуйидаги мазмунда жавоб жўнатилади: «Тошкентдаги Шўро комиссариатини йўқ этиш ҳақида Петроградга мурожаат қилишнинг эҳтиёжи йўқ, агар комиссариатни истамасангиз, уни куч билан йўқота оласиз»². Бутунроссия Таъсис мажлисига Фарғонадан сайланган эсер Вадим Чайкиннинг Қўқонда ташкил топган Мухтор жумҳуриятни сақлаб қолишда ёрдам сўраб ўша И.В.Сталинга телеграф орқали мурожаатига келган жавоби ҳам худди шу телеграмма руҳида ёзилган эди. Бу телеграмма ўз моҳият-мазмунига кўра шўролар ҳукумати зўрликка таянувчи мустамлакачилик сиёсатининг ёрқин кўриниши эди. Чунки унинг мазмунига кўра шўролар Туркистон ўлкасидаги туб ерли мусулмон аҳоли истак-ҳоҳиши билан ҳисоблашмас, ўз тақдирини ўзи белгиламоқчи бўлган ўлка халқларини шўролар Россияси билан тўғридан-тўғри қон тўқишга, урушга чорлар эди. Петроградда ўтирган мустамлакачи большевой корчалонлар бу урушда албатта ғалаба қозонажакларини яхши билар эдилар. Туркистон мухториятида куч йўқ эди, у ҳали ҳокимият ўлароқ батамом шаклланиб улгурмаган эди.

Тошкент Шўролар ҳукумати Туркистон мухторияти тимсолида ўзининг асосий рақибини кўрди ва уни йўқ қилиш учун тайёргарликни бошлаб юборди. Бунга Тошкентдаги Шўро комиссари большевик П.Г.Полторацкийнинг мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг фавқулудда I қурултойида сўзлаган нутқи мазмунидан ҳам пайқаб олиш мумкин.

У бундай деган эди: «Биз камбағалларнинг мухториятига қарши эмасмиз, аммо биз бойларнинг мухториятига қаршимиз. Биз мухторият учун курашар эканмиз, буржуазия қўлидаги ҳокимиятни ўзимиз учун тортиб олганимиз йўқ, биз ишчи синф ва камбағаллар учун тортиб олдик. Биз ҳокимиятни рус буржуазияси қўлига топшириш учун тортиб

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. - Т.: Шарқ, 2000.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. -Т.: Маънавият, 2000. -Б.141.

олганимиз йўқ. Ҳокимиятни биз ишчи ва аскар депутатлари Шўроси учун олдик. Биз мусулмон меҳнаткашларини ўз тарафимизга қўшилишлари учун ишлаб келдик ва ишлайверамиз»¹. П.Г.Полторацкийнинг нутқи муносабати билан курултой қатнашчилари унга ўз муносабатларини билдирдилар. Жумладан, Мустафо Чўкаев шундай деган: «Бирок Полторацкийнинг сўзларига ҳеч ким ишонмади, чунки Туркистонда совет ҳокимияти асосга эга эмаслиги очиқ-равшан бўлди». Ушбу масалада махсус қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда қуйидагиларни ўқиймиз: «27 ноябрда бўлиб ўтган умуммусулмон съездида Туркистоннинг мухторият деб эълон қилиниши муносабати билан ўлкада вужудга келган вазиятни муҳокама қилиб, ўлка курултойи шуни баён қиладики, бу курултой буржуазия курултойи бўлди, деган гапларни баъзи гуруҳлар томонидан тарқалиши ҳақиқатга тўғри келмайди, зеро, 27 ноябрдаги курултой умуммусулмонлар курултойи бўлиб, унда бутун аҳоли вакиллари қатнашди.

«Мазкур курултой мавжуд Шўрога ва Туркистон мухторияти ҳукуматига тўла ишончдадир, унинг таркиби ишчи ва деҳқонлар манфаати учун хизмат қилувчи тараққийпарвар зиёлиларимиз ҳамда диний тарбиячиларимиз-Қуръони шарифни ўргатувчи инқилобий домлаларимиздан иборат». Ички ишларга аралашиларни номақбул деб билган курултой «рус демократларини» «Шарқ халқларига мурожаатнома»даги шиорларни амалда кўрсатиш ва уларга риюя этишга чақиради»².

Курултойда Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилингач П.Г.Полторацкий ва унга қўшилганлар гуруҳи курултойни ташлаб чиқиб кетдилар.

Бундан ташқари «Улуғ Туркистон» газетасининг ёзишича Еттисув қирғизлари (қозоқлари) Миллий ташкилотининг баъзи бир вакиллари Туркистон мухториятига қўшилишни истамадилар ва ўз вакилларини Семипалатинскда ўтиши мўлжалланган «Алаш» фирқаси курултойига юборишга қарор қилдилар. Албатта Еттисув мусулмонларининг бўлинишдан иборат тутган бу йўли Туркистон мухторияти учун кураш жабҳаси кучларини кучсизлантирди. Бундан Тошкент шўросидаги қизил салтанат мустамлакачи унсурлари усталик билан фойдаландилар. Улар Туркистон мухториятини тан олмасдан, ўзларининг бутун диққат-этиборларини уни йўқотишга қаратдилар. Тошкент шўролари ўз ташвиқот-тарғиботларида Туркистон мухториятини кенг оммага аксилинқилобчи, буржуа миллатчи ҳукумат дея тушунтирдилар. Бу борада улар «Наша газета»дан усталик билан фойдаландилар.

Тошкент шўролари Туркистон мухториятини яккалаб қўйиш мақсадаларини кўзлаб ўз қўлидаги барча имкониятларини ишга солди. Тошкент шаҳар Думасини тарқатди, «Туркестанский вестник» газетасини ёпди ва ҳоказо. Шўроларнинг бу ва шунга ўхшаш кўрган тадбирлари Туркистон мухториятига нисбатан амалий ва режали ҳужум бошланганлигидан далолат берар эди.

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.141.

² Аъзамхўжаев Саидакбар. Туркистон мухторияти. Тошкент. «Фан».1996,-Б.47-48.

2-боб. Туркистон мухтор ҳукуматининг советлар томонидан ағдалиши.

Тошкент Шўролари ҳукумати 1918 йил январнинг иккинчи ярмидан эътиборан Туркистон мухториятини тугатиш мақсадида очикдан-очик амалий ҳаракатларни бошлаб юборди. Уни ўша йили 19-26 январда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси Шўроларининг IV курултойи қабул қилган қарорлар яққол кўрсатди. Курултойда сўзга чиққан Тошкент шўроси раиси большевик И.О.Тоболин бундай деган эди: «Биз нафақат Россия ҳақида, балки меҳнаткашлар ҳақида қайғуриямиз, агар халқ ҳоҳиш иродаси бу ўлканинг Россиядан ажралиб чиқишини референдум орқали ҳал этишни истаса, унинг ажралиб чиқиш ҳукуқини сақлаб қоламиз»¹.

У Туркистон мухториятига қарши фикрини яшириб ҳам ўтирмади. «Бироқ,-деди у,- мухториятни ҳозир зудлик билан амалга ошириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Зеро мухториятнинг энг биринчи шартига кўра бу ўлкадан ҳарбий кўшинлар олиб чиқиб кетилиши керак. Агар биз мухторият тушунчасидан келиб чиқадиган ана шу асосий ҳолатни амалга оширадиган бўлсак, унда инқилоб биқинига зарба берган бўлур эдик, ўлкада эса яна аксил инқилобчилар ҳокимияти қарор топар эди». Шунинг учун «Мамлакатнинг уруш ҳолатида эканлигини назарга олган ҳолда, бизлар мухторият ҳолатидаги ва ҳатто мустақил давлатни ташкил этиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборамиз».

И.О.Тоболин ўз сўзининг охирида курултой қатнашчилари эътиборига муҳокама этилаётган масала юзасидан большевиклар фракцияси қарори матнини ўқиб берди:

«Инқилобчи социал-демократлар партияси пролетариат мухториятини ташкил этиш учун ҳаракат қилади», Шу боис «депутатларнинг касаба Совет (союз)ларига жалб этиб, мусулмон пролетариатининг синфий онгини кўтариш» бўйича пролетариат оммасини тайёрлаш асосий масала этиб эълон қилинади. Мухториятни эълон қилиш масаласи эса ноаниқ муддатга кечиктириб қолдирилади.

Туркистон Шўролари IV курултойи Туркистон мухториятига муносабат масаласини қизгин муҳокама қилиб турган пайтда Туркистон мухторияти ҳукумати курултой номига телеграмма юборади. Телеграммада 1918 йил 20 мартда «умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш асосида,» Туркистонда Таъсис мажлиси

¹ Аъзамхўжаев Саидакбар. Туркистон мухторияти. Т. «Фан», 1993, Б.50.

чақириш тадориги (тайёргарлиги-муаллифлар) борлиги маълум қилинади. Телеграммада яна шу нарса таъкидланадики: «Туркистон Таъсис мажлиси халқларнинг барча орзу-истакларини амалга оширишга даъват этилган бўлиб, Туркистон мухториятида ўлканинг оз сонли аҳолиси ва меҳнаткаш халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, Россия инқилоби томонидан олдинга демократик қонун қоидалар билан тўла келишган ҳолда демократияни ташкил этади»¹.

Ана шу муносабат билан мухтор Туркистоннинг Халқ Мажлиси (Миллий мажлис) яна бир марта Туркистон халқларига «Халқ мажлиси томонидан мазкур ҳолатнинг (модданинг) ишлаб чиқиладигани, ҳаётга тадбиқ этилиши юзасидан чоралар кўриладиганини баралла маълум қилишни ўз васифаси деб билади».²

Аммо шунга қарамасдан Туркистон ўлкаси Шўроларининг IV Қурултойи Туркистон мухторияти ҳукуматини тан олишдан бош тортди, унинг аъзоларини қонундан ташқари деб эълон қилди ва ҳатто уларнинг бошлиқларини қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Хусусан масалани янада ўтлаштирган ҳолат Байналминал ишчи ва аскар депутатлари шўросининг «... бойлар томонидан эълон қилинган Қўкон ҳукумати тан олинмасин, унинг аъзолари эса қонундан ташқари деб топилсин, бошлиқлари қамоққа олинсин!», деган талабидан сўнг кучайди. Қурултой қарорида бундай дейилган эди: «Инқилобий социал-демократлар партияси бир тўда рус ва мусулмон реакционерлари бошчилигидаги буржуа мухториятига қарши шафқатсиз кураш эълон қилади ва ўлкада пролетар мухториятни тузишга интилади».³

Туркистон мухториятига қарши бошланган сиёсий хуруж ва қирғин-баротнинг оташин ва фаол ташкилотчилари И.О.Тоболин, Ф.Колесов, Е.Бабушкин, Туркистон ҳарбий комиссари Е.Перфильев ва бошқалар бўлдилар. Улар ўз фаолиятларида қонхўр большевойлар фирқаси ва қизил мустамлакачи салтанат шўролар ҳукуматининг йўлбошчилари В.И.Ленин, И.В.Сталин ва бошқа арбобларнинг тўғридан-тўғри буйруқ ва кўргазмаларини адо этдилар.

Туркистон мухторияти раҳбарлари 1918 йил бошларида Тошкентда ўзларига қарши катта фожеавий қирғинга тайёргарлик кетаётганда зўр матонат ва иродани ишга солиб мухториятни мустаҳкамлаш йўлидаги қийинчиликларга қарши сабр-тоқат билан ишлаётган эдилар. Бу қийинчиликлар нималардан иборат эди? Энг асосий қийинчилик биринчидан маҳаллий туб ерли аҳоли сиёсий савиясининг миллий истиқлол талаблари даражасида ривожланмаганлиги эди. Бу Туркистон мухториятини ҳимоя қилиш, уни қўллаб-қувватлашда истиқлолчи кучларнинг ягона жабҳа, якка мушт бўла олмаганлигида кўринди. Иккинчидан, янада каттароқ аҳамиятли қийинчилик Туркистон мухтор ҳукуматининг яшаб қолишининг шарти бўлган моддий қийинчилик эди. Бу ҳам албатта яна биринчи қийинчиликка бориб тақалади. Большевойлар октябрь тўнтаришини Германия ҳукуматининг берган бир миллиард немис маркаси эвазига амалга оширганлари юқорида таъкидланди. Туркистон мухториятида бундай имконият йўқ эди. Моддий маблағсиз эса ҳеч нарса қилиб бўлмасди. «Улуғ Туркистон» газетасида 1918 йил 4 январда Потеляховнинг ёзганига қараганда Туркистон мухториятига яҳудийлар ярим миллион сўм ёрдам тариқасида беришган. Наманган ва Андижон банклари жуда катта қийинчиликлар билан 500 минг сўмдан пул ажратганлар. Албатта бу маблағлар мухтор ҳукумат сарф қилиши лозим бўлган харажатлар олдида урфоққа арзимас эди. Чунки биргина «Бирлик туғи» газетасини молиявий қўллаб туриш учун 5 минг сўм, «Свабоднўй Туркестан» учун эса 50 минг сўм харажат қилинар эди. Қўшинни таъминлаш учун кетадиган молиявий

¹ **Аъзамхўжаев Саидакбар.** Туркистон мухторияти. Т. «Фан», 1993, Б.49,50.

² Ўша асар.

³ Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йиллар). Илмий муҳаррир Ўзбекистон ФА Академияси **А.Асқаров**-Т: Ўқитувчи, 1994, 32-бет.

харажат тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Бу даврда қўшинлар сонининг халқ милициясидан ташқари 2 мингга етганлиги юқорида айтилди.

Учинчидан, энг муҳим қийинчилик Туркистон мухториятини кўкрак кериб ҳимоя қила оладиган миллий қўшиннинг йўқлиги эди. 2 минг аскар, бунинг устига ёмон қуролланган, улар асосан таёқ, болта, кетмон, ошпичоқ, қилич, айримлари пилта милтиқ билан қуролланган қўшин билан узоққа бориб бўлмас эди. Чунки тиш-тирноғигача замонавий қуроллар: самолётлар, ўзи юрар танклар, бронепоездлар, найзали беш отар милтиқлар, пулемётлар билан қуролланган қизил калла кесарларга қарши туришнинг ўзи бўлмас эди. Бунинг устига 1918 йил 19 январда Қизил қўшинлар Оренбургни қўлга киритгач Москва билан Тошкент ўртасида узилиб қолган алоқа тикланди. Натижада Марказдан Туркистонга қўшимча қўшин кучлари ва қурол-аслаҳа юбориш имконияти туғилди. Бу ҳол ўз навбатида миллий истиқлол жабҳаси курашчиларининг вазиятини янада оғирлаштирди.

Тошкент Шўролар ҳукумати Туркистон мухтор ҳукуматини кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида чуқур томир отишига имкон бермаслик ва уни бешиклигидаёқ бўғиб ўлдириш мақсадида 1918 йил январнинг охирларидан бошлаб қуролли хужумга тайёрланди ва ифвогарлик билан турли баҳоналар излай бошлади. Қўқон Шўролар ҳукумати ихтиёрига энг ашаддий қизил гвардиячиларни, австро-венгер ҳарбий асирлар ва асосан дашноқлардан ташкил топган каллакесар қисмларни юборди.

29-30 январда Қўқонда фавқулодда вазият мислсиз даражада кескинлашди. Бу вазият арзимаган бир баҳона учқуни ила ўтлашиб кетиши ҳеч гап эмасди. Ана шундай бир шароитда 30 январда Қўқон ишчи ва аскар депутатлари Шўросининг мажлиси бўлди. Унда Туркистон мухториятини даф этишини амалга оширувчи орган-инқилобий қўмита (революцион комитет) тузилди. Унинг раислигига большевик Е.Г.Бабушкин сайланди. Инқилобий қўмита таркибига туб ерли аҳоли вакилларида бирорта киши киритилмади.

Қўмита ўз қўлида чегараланмаган ҳокимиятни мужассамлаштиради, унга катта ваколатлар фавқулодда чоралар кўриш, ҳамма нарсани шўролар ҳокимиятини ҳимоя қилишга бўйсундириш ва сафарбар этиш ҳукуки берилади. Инқилобий қўмита олдидаги энг асосий бош вазифа мухторият ҳукуматини тугатиш, шаҳар аҳолисини қуролли куч билан шўро ҳокимиятини тан олишга мажбур қилиш, «Инқилобий тартиб» ўрнатишдан иборат эди. Инқилобий қўмита ишни европалик ишчилар ва темир йўлчиларни қурол билан таъминлашдан бошлади.

Айниқса большевойларнинг Қўқон шаҳридаги арман миллатига мансуб дашноқларни: бақоллар, сартарошлар, вино сотувчиларни қуроллантиришлари, ҳаддан ташқари разил ва жирканч мақсадларни кўзлар эди. Тошкент, Скобелев, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлардан ҳарбий мадад сўраб мурожаат қилинди. 30 январга ўтар кечаси ноъмалум кишилар гуруҳлари атайин ифвогарлик билан баҳона учун Қўқон телефон станциясига, Қўқон Шўролар биносига хужум уюштирилди. Бу хужум Қўқонда қизил қўшин жаллод каллакесарларнинг оммани ваҳшийларча қирғин қилишни бошлаши учун шунчаки бир баҳона бўлди. Худди шу куни 30 январда Қўқондаги инқилобий қўмита Тошкентга И.О.Тоболинга, Ф.Колесовга ва Скобелев шаҳрига телеграф орқали хабар қилди ва зудлик билан ёрдам беришни сўради. Инқилобий қўмита аҳолига қарата мурожаат қабул қилди. Мурожаатда содир этилган воқеалар учун барча ва асосий айб мухториятчиларга қўйилди. Инқилобий қўмита ўз таркибидан махсус гуруҳ тузди ва унинг олдида мухторият ҳукумати аъзоларни ҳибсга олиш вазифасини қўйди.

Инқилобий қўмита Туркистон мухторияти аъзоларига ультиматум топширдилар ва 2 соат муддат билан таслим бўлишни талаб қилдилар. Лекин Мустафо Чўқаевнинг хотирлашича «31 январь кундуз соат 12 да Хўқанд большевикларининг бизга берган ультиматумини текшириб ўтирганимизда бир тўхтовсиз милтиқ отувчилар большевиклар бўлиб чиқди. Большевикларнинг ультиматумида бизга 2 соат муддат тайин этилган ва ул

муддат 2 соат 20 минутда тўлар эди: Нечундир алар шартномасига хилоф ҳаракатга киришиб муомала йўлини кесдилар. Шўрои исломия юртинда ҳукумат қўшинларидан бошқа халқда жийилган эди. Большевик солдатлари яқинлашиб келарлар, деган хабарни эшитиб бошқа халқ торлан киби ҳукумат кишиларида иккинчи бош қўшурга йўл қолмагач тарқалишдилар. Чунки халқ муваққат ҳукуматнинг (Қўқон мухторияти-муаллифлар) алида бўлса келишурмиз, большевикларга қарши қурол кўтармангиз» -деган сўзига қулоқ солмай, ҳар қайси боринча сўғиш асбобларин олиб ўрамга чиқдилар. Большевикларнинг ваъдалариндан илк ота бошловлари халқнинг кўнглини, алар муваққат ҳукуматигина туғил, бутун халққа қарши ҳаракат бошладилар, деган кўркув солди. Бу вақт муваққат ҳукуматининг йўли бутунлай кесилган эди.

Қўқонда бўлган бу кўнгилсиз воқеани сиёсий сабабларидан бошдан оёқ ёзувни ҳозирги замон кўтармий¹.

Ана шу тариқа, Қўқон шаҳрида большевойлар мусулмон халқларни кириб ташлашдан иборат даҳшатли фожеани бошлаб юборди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Шўроси Туркистон Мухториятига четдан келадиган ҳар қандай ёрдамни олдини олиш чораларини кўрди. 1918 йил 14 февралда Бутун Фарғона водийсида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Фарғона темир йўлида эса қамал ҳолати жорий этилди. Тошкент, Самарқанд, Наманган шаҳар думалари ёпилди ва фаолиятлари тўхтатилди. Собиқ генерал-губернатор концелярияси тугатилди. Пахта захиралари мусодара этилди, нефть қазиб чиқариш, балиқ саноати ва бошқалар миллийлаштирилди. Дин давлатдан ва мактабни диндан ажратганлиги эълон қилинди.

Албатта бундай оғир шароитда Туркистон мухторияти ўзини ўзи ҳимоя қилишга ожиз эди. У бошланган даҳшатли қирғинга қадар тинч воситалар йўли билан ҳокимиятни қўлга олишга ишонар эди. Шунга қарамай Туркистон мухторияти қўшинлари оддий қуроллар билан бўлсада шаҳарни уч кун давомида ҳимоя қилдилар. Кофирларга қарши ғазовот эълон қилган мухториятчиларнинг шиори «Туркистон-туркистонликлар учун» эди.

Мухтор ҳукумат вазиятининг ниҳоятда оғир эканлигини ҳисобга олиб сўнги ва охирги имкониятни ишга солди ва большевойлар билан бошлаган музокара ташаббускори бўлди. Бу музокара 17 февралда бошланди. Музокарада мухториятчилар қуйидаги талабларни ўртага қўйдилар:

1. Шаҳарни биргаликда бошқариш ва унинг таркибида Мухториятчиларнинг кўпроқ вакиллари бўлишини таъминлаш. 2. Ҳарбий қалъани шу органнинг назорати остига олиш. 3. Милициядан бошқа барча кучларни қуролсизлантириш. Ўлка Шўролар ҳукуматининг шариатга зид декретларини бекор қилиш.

Аммо большевик Е.Г.Бабушкин раис бўлган инқилобий қўмита Мухториятчиларнинг бу таклифларини қатъиян рад этди. 18 февраль куни музокара янада давом эттирилди. Мухтор Ҳукумат нима бўлса бўлсину, аммо ўртада қон тўкилмаслиги учун ҳаракат қилди. Ҳарбий вазир полковник М.Чанишев инқилобий қўмитага ультиматум қўйиб, соат 4 гача қалъани топширишни талаб этди.

Аммо мусулмон ишчи ва деҳқонлар конференцияси қатнашчилари ультиматумни қайтариб олишни талаб қилдилар.

«Шўрои Уламоchi»лар ўз тарафдорлари билан бунга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар ва ультиматумни қайтариб олишга қаршилик қилдилар. Мухторият ҳукумати аъзолари ўртасида ўзаро ихтилоф келиб чиқди. Ҳукумат раҳбари Мустафо Чўқаев истеъфога

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. - Т. : Шарқ, 2000.

чиқишга мажбур бўлди. Унинг ҳукумат маҳкамаси ағдарилди, ўзи эса яқин кишилари билан ҳукуматни ташлаб, Қўқонни тарк этишни лозим топди.

Мухтор ҳукумат Ҳарбий кенгаши раиси М.Чанишев ва унинг энг яқин сафдошлари-рус офицерлари қамокқа олинди. «Уламо»-чиларнинг ёрдами билан мухторият ҳукумати милициясига бошчилик қилувчи Эргаш ҳукумат раҳбари ва бош қўмондон этиб тайинланди. Ана шу тариқа Мухтор ҳукуматда давлат тўнтариши юз берди. Ҳокимият ашаддий мурасасиз кучлар қўлига ўтиб қолди. Туркистон мухториятидаги бу бўлиниш шўроларга қўл келди. Улар бу қулай вазиятдан фойдаланиб Қўқон шаҳрига ҳужумни янада кучайтирдилар. Айниқса босим 18-19-февралда Тошкентдан Е.О.Перфельев Қўқонга етиб келгач янада кучайди. Унинг ихтиёрида II эшелон Ҳарбий қисмлар бор эди. Отлиқ аскарлар, артиллерия ва пиёда қисмларга эга бўлган Туркистон ўлкаси Ҳарбий комиссари, сўл эсер, ваҳший генерал Қўқонни уч тарафдан қуршаб олди.

Қизил қўшинлар Эски шаҳар ҳудудига бостириб кирдилар. Даҳшатли ва мислсиз қирғин бошланди, Қўқон ўт ичида қолди. Қўқондаги хунрезлик, геноцид даҳшатларини амалга оширганларнинг ўзлари ҳам эътироф этганлар. Ўша пайтда 28 ёшда бўлган ўлка Ҳарбий комиссари Е. Перфильев жанг тафсилотларини шундай ҳикоя қилди: «Мачитларни яна бир неча маротаба ўққа тутишга тўғри келди. Қизил гвардиячилар бўғизланган Европаликларнинг жасадларини кўрганда шундай тутақиб кетдиларки, уларни ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди., аскарлар олдидан чиққан ҳамма нарсани яксон қилиб кетавердилар. Ҳатто шундай ҳолат рўй бердики, 5та қизил гвардиячи ерли бандитларнинг 200 тасини олдига солиб қувлади. Отряд катта қаҳрамонлик кўрсатди. Жанг иштирокчилари орасида бирорта ҳам қўрқоғи йўқ эди. Биз қийинчилик билан Тошкўприкни қўлга киритдик ва Эски шаҳарга ёриб кирдик. Исёнчилар тўдаси Скобелев томонга чекинишди. Бадавлат кишилар қимматбаҳо бойликларини, пулларини ўзлари билан олиб қочдилар, лекин нарсалари ўзларига насб этмади. Қочаётганларни тезотар тўпдан ўқ узиб янчиб ташладик, бир қисмини эса орқага чекинишга мажбур этдик. Уларнинг кўрпа-ёстиқлари, гиламлари, қимматбаҳо нарсалари йўлда сочилиб қолди»¹.

Қўқонда даҳшатли фожеалар ва қирғинларни ўз кўзи билан кўрган ва унинг шахсан иштирокчиси М.И.Шкорупанинг иқрори айниқса диққатга лойиқдир: «Тинч аҳолининг уйлари, Туркистон Россия учун ҳам тансиқ бўлиб қолган мануфактура, ғалла омборлари ёнарди.

Қўқон уч кун ўт ичида қолди. «Ўша кунларда,-деб ёзади тарихшунос олим Шомагдиев Ш.А.-талончиликлар ҳам авж олган. Аскар, қизил гвардиячиларга бўйсунмай қолган оломон, майда буржуазия нима бўлса шуни талаб, ташиб кета бошлади... Эски шаҳар ва барча дўконлар тижорат фирмалари, савдо қаторлари, банклар, майда хонадонлар талон-тарож қилинди. Талончилар талаган мулкларини аравага ортиб, вакзал ва қалъага ташидилар. У ерда бегона мулкни бўлиб олиш бошланди».

1918 йилда Қўқонга келган инглиз капитани А.Брун шаҳарни ярим бўш ҳолда кўрган. Унинг ёзишича шаҳар босқинида иштирок этган немис австралиялик ва венгер асирлардан ёлланган аскарлар 100 минг сўмдан ортиқ пулни ўмаришган ²

Айниқса армани миллатга мансуб дашноқлар Қўқон шаҳрида кўз-кўриб қулоқ эшитмаган ваҳшийликларни амалга оширдилар. Қўқон фожеаси катнашчиларидан яна бири, Туркистон халқларининг жаллоди А.Т.Каравайцев ўз эсталикларида бундай деб ёзади:

«Коновалов тўдасидаги арман дашноқлари ўзбошимчаликни ҳаддан ошириб юбордилар. Улар Қўқонга келгунча тинч аҳолини талаб, қирғин қилганлар».

¹ Усмонов Қ. Содиков М. Ўзбекистон тарихи. (1917-1991 йиллар). «Шарқ», Т. 2004.

² **Аъзамхыжаев Саидакбар.** Туркистон мухторият. 149-бет.

Армани миллатига мансуб дашноқлар Қўқонда кўз-кўриб қулоқ эшитмаган ваҳшийликларни амалга оширдилар. Шаҳар остин-устин қилинди ва таланди. Улар хусусан Эски шаҳарни, айниқса савдо тармоқларини, дўконлар, расталарни, омборларни таладилар, қолганларига ўт қўйиб ёндириб юбордилар. Дашноқи арманлар мусулмонлар яшайдиган хонадонларга бостириб кирдилар, ҳеч кимни аямасдан қирғин қилдилар, ҳатто чолу-кампирилар ва ёш гўдакларга ҳам раҳм қилмадилар. Ҳомиладор аёлларни қоринларини ёриб туғилмаган гўдакларни қиличлар тигидан ўтказдилар, ёш нораства гўдакларни беда қирқадиган жодуда бурда-бурда қилиб ташладилар. Ёш қизларнинг номусларини ҳақоратладилар, аёл жувонларни эса эрлари кўз олдида зўрладилар. Ибодатхоналар, масжид ва мадрасаларни кули кўкка совурилди. Ҳамма ерда қамокқа олишлар бошланди, айғоқчилар ва тилмочлар кўпайди. Маҳаллий аҳолини қамокқа олиш тўғрисидаги ордер бўлса ҳам бўлмаса ҳам ҳибсга олавердилар. Қамокқа олинганларнинг кўплари суд ва терговсиз отиб ташланди. Қўқонни ташлаб кетишга мажбур бўлган Мухтор ҳукуматнинг аъзолари Фарғона шаҳрига бориб халқни намойишга чорлаганлар. Уларни туб ерли маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватлаган. Лекин шўролар ҳукумати бу ҳаракатни бостирган. Носирхон Тўра Наманганда, С.Герцфельд Самарқанда, Обиджон Маҳмудов Бухорода қўлга олинган.¹

Убайдуллаҳўжаев, Абдулхамид Сулаймон (Чўлпон) Қўқондаги фожевий ҳодисаларни Ашҳабоддан Самарқандга келаётганларида йўлда эшитадилар ва улар ўз йўлларини ўзгартириб Оренбург томон йўл оладилар. Бу ерда улар Аҳмад Закий Валидий Тўғон билан учрашадилар. У Оренбургда Бошқирдистон мухториятининг ички ва ҳарбий ишлари билан банд эди.² Хуллас, ҳамма аломатларга кўра тарихга Туркистон мухторияти номи билан қирган Қўқон мухторияти тор-мор қилинди ва тарқатиб юборди. Қадимги маданий ва бой савдо шаҳри бўлган, Қўқон таг-туғи билан вайрон қилинди ва қонга ботирилди. Қўқон халқ милициясига бошчилик қилган Эргаш ўз кучлари билан шаҳарни ташлаб чиқди ва шўроларга қарши курашни давом этирди.

Раҳбарсиз ва ташкилотсиз қолган Қўқон шаҳри мудофаачилари фожеа ва даҳшатни янада оғирроқ тус олмаслиги мақсадларини кўзлаб шўролар раҳбарияти билан музокаралар бошлашга мажбур бўлдилар. Нихоят 22 февраль (9 февраль)да большевойлар томонидан тақдим этилган ва маҳаллий мусулмон халқининг миллий манфаати ва иззат нафсини камситувчи «Тинчлик шартномаси»га имзо чекдилар. Шартноманинг биринчи моддасида: «аҳоли халқ Комиссарлари шўросининг ҳокимияти ва маҳаллий шўро муассасаларини тан олади», дейилган эди.

Шундай қилиб, Туркистон мухторияти ҳукумати бешиклигидаёқ, бўғиб ўлдирилди ва тугатилди, мустамлакачи босқинчи шўролар ҳукумати ўз ғалабасини тан-тана қилди. Туркистон мухториятидан сўнг 1917 йил декабрда қозоқ миллий-демократлари Оренбургда ташкил этган Алаш мухторияти ҳам тор-мор қилинди.

Аммо зўрликка, босқинчиликка асосланган ва Туркистон мухториятини тугатишга қаратилган шўроларнинг шармандали ва адолатсиз сиёсати меҳнаткаш халқ оммаси кўзи олдида бу ҳукуматнинг асл мақсади ва моҳиятини очиқ ташлади. Натижада бутун Туркистон халқлари истиқлол учун, эрк ва миллий озодлик учун курашга отландилар.

Большевойларнинг Қўқон шаҳрида амалга оширган даҳшатли фожеаларидан ҳатто Туркистонда яшаётган европа аҳолисига мансуб эсерлар, кадетлар ва меньшевикларнинг вакиллари ҳам нафратланган эдилар.

Меньшевик-интернационалистлар фракциясининг бошлиғи Вайнштейн Тошкент шаҳар Шўросининг 1918 йил 23 февралдаги йиғинида Республика Ҳарбий Комиссари Е.Перфильевнинг қизил гвардиячи жангчилари билан Қўқонда даҳшатли хунрезликлар

¹ Шамсутдинов Р.Т. Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон, 2004.

² **Закий Валидий.** Хотиралар. «Шарқ юлдузи», 1993 йил. 7-8-сон, 165-166-бетлар

қилганини тафтиш этиш керак ва айбдорлар жавобгарликка тортилиши лозим, деб талаб қилди.

Жумладан у бундай деган эди: «Қизик, синфий кураш номи билан арманлар ва форсларнинг ўзаро миллий келишмовчиликлари ҳақидаги гаплар, мусулмонлардан қандай қилиб, ҳимояланишимиз лойиҳаси тўғрисидаги фикрлар қулоққа чалинмоқда. Биз синфий кураш ўрнига миллий кураш олиб бораёпмиз, бу ахволни, шубҳасиз, табиий ҳол деб ҳисобга олмаймиз. Лекин у мантиқан тўла, шўроларнинг Туркистон ўлкасида олиб бораётган сиёсати оқибатидир. Ўлкада мусулмонлар хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмай туриб социализм куришга интилоқдамиз.

Ўртоқ Перфильев меҳнаткаш оммаси мухториятни хоҳламади, қўллаб-қувватламади деб таъкидлаб ўтди. Ўртоқ Перфильевнинг ўз фикрини исботлашга асоси борми? Унинг асоси шундаки, қайсики мусулмонлар тўпдан ўққа тутилгандан кейингина ўзларини бўйсунитишга тайёр эканликларини билдирганини назарда тутаётган бўлса керак.

Ерли халқ Куропаткинга ўзларининг итоатгўйлигини ўшандай усуллардан кейингина билдирганмиди? Ўртоқ Куропаткин қўллаган усуллар билан ёндошмоқни мулоҳаза қиляпти. Маърузада биз фақат миллий қирғинларни кўряпмиз: Уни ёвуз душмани бўлмиш подшо монархияси ва ҳукумати қўллаб-қувватлаган эди. Қайси социалист бунга ишониши мумкин? Сиз Туркистонни ташлаб чиқиб кетасизми? Агар бу ерли халқнинг хоҳиш-иродаси бўлса-чи? Кимки бу тўғрида гапирадиган бўлса, сизлар дарров унинг овозини ўчирасизлар. Йўқ, сизлар социалист эмас, ўша империалист, ўша истилочисизлар.

... Интернационалистлар фракцияси номидан зудлик билан рўй берган воқеани тафтиш қилиб, ўрганиб чикувчи комиссия тузишни, инқилобнинг қизил байроғига кимки доғ туширган бўлса, оддий гвардиячидан тортиб, отряд командиригача ҳамма-ҳаммасини қатъий жавобгарликка тортишни талаб қиламиз.

Биз учун айрим кишиларнинг шуҳрати эмас, демократиянинг виждони ва тутган йўли аҳамиятлидир. Инқилобий демократия байроғидан бу доғни ювиб ташлаш керак. Айбдорлар қонун олдида жавоб беришлари лозим»¹.

1918 йил январь ойидаёқ Скобелев шаҳар ҳокими В. Д. Дориомедов «Знамя свободъ» газетасида Мухториятчиларга ҳайрихоҳлик билдириб, «рус большевиклари ҳар қандай мухториятни тан олмади ва мазлум халқлар ўз ҳуқуқлари ва тақдирларини ҳақиқатан ўзлари белгиламоқчи бўлганларида бунга йўл қўймади» деб ёзган эди.

Туркистон мухториятига нисбатан адолатсиз сиёсатни баъзи-бир большевой арбобларнинг ўзлари ҳам танқид қилган эдилар. Жумладан, Шўролар истибдоди арбобларидан Д.Ф.Манжара бундай деган эди: «Миллий сиёсатда йўл қўйган хатоларимиз туфайли Қўқон мухторияти вужудга келди... Уни йўқотиш пайти яна бир хатога йўл қўйдик. Қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган Эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига биз тўплардан ўққа тутдик, кейин дашноқларнинг қуролли тўдаларини ишга солдик. Натижада талон-тарож, номусга тегиш, қирғин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли катта зарар кўрди».

Туркистон мухториятини қонга ботирилганлигининг энг асосий ва бош айбдори В.И.Ленин бош бўлган шўролар ҳукумати ва Коммунистик фирқадир, қолаверса Марказий ҳукуматининг Туркистон филиали ва унинг қонхўр ва жаллод малайлари бўлмиш, эндигина 26 ёшга тўлган Колесов раҳбарлигидаги Туркистон Халқ Комиссарлари ҳукумати ва унинг аъзоларидир. Бу ҳукумат аъзоларининг деярлик барчаси маҳаллий мусулмон халқларга нафрат ва шовинистик руҳи билан суғорилган ва онги заҳарланган

¹ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Д.А. Алимова таҳрири остида. Т.: Шарқ, 2002.

шахслар эдилар. Фавқуллода Комиссар Пётр Кобозевнинг эътирофича «Раис Фёдр Колесов саналгани билан барча иш Успенский қўлида эди. Успенский эса ашаддий монархист шовинист эди. Унинг «Ўртоқ мусулмонлар! шуни қулоғингизга қуйиб олингки биз сизнинг оғаларингизмиз, сизлар ука бўласизлар, тушунарлими, бизга бўйсунушга мажбурсиз» «деган сўзларидан ҳам бу шахснинг ички дунёси кўзга яққол ташланиб турар» эди. Ёки Туркистон ХКК аъзоларидан бири Павличенконинг қуйидаги сўзларига эътибор қилинг: «Биз ўзимизни инқилобнинг илғор отряди, энг онгли ва комил жангчилари деб биламиз ва сиёсатга ғўр бўлган мусулмон меҳнаткашларнинг етакчиси бўлишни бурчимиз деб биламиз. Мусулмонларга бирон нарсани топшириш ниятида эмасмиз»¹.

Қўкон фожеасида асосий айбдор Ленин ва Сталин бошлиқ большевиклар фирқаси ва шўро ҳукумати эканлиги таъкидланади. Бу айб учун Қўкон халқига, бутун Туркистон халқига мурожаат этиб, мусулмон аҳолисидан узр сўрашни зарурлигини ҳатто 1919 йил 9 майда Ленин ҳузурида бўлган афғон-ҳинд делегацияси бошлиғи, Муҳаммад Баракатуллохон (Собир Юсупов ҳам бирга эди) ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда баён этганди. Аммо дин инсоний хислат мустамлакачи ва қонхўр жаллодларга бегона эди.

Туркистон ва Бошқирдистон миллий Мухтор ҳокимияти ағдариб ташлангандан кейин миллий масалалар бўйича Шўро Халқ комиссарлиги 1918 йил апрелида Қозон, Уфа, Екатеринбург, Туркистон ва бошқа маҳаллий шўролар учун «Шўро ҳокимиятининг вазифалари» деган мурожаат эълон қилди. Унда шўро раҳбариятининг туб мақсадлари баён қилинди: «Марказда бошланган инқилоб чекка ўлкаларга, айниқса Осиёга анча кеч етиб келди. Турмуш ва тилнинг ўзига ҳослиги, ҳамда чекка вилоятларнинг иқтисодий қолоқлиги бу ерларга шўро ҳокимиятининг кириб келишини қийинлаштирди. Бултур (1917 йил) ноябрь ва декабрь ойларида Волга бўйи татарлари, бошқирдлар, қирғизлар (қозоқлар) ва Туркистонликлар орасида пайдо бўлган Мухтор буржуа гуруҳлари инқилоб давомида қадамба-қадам қуролсизлантирилдилар. Бу иш уларни халқ оммасидан тамомила ажратиб ташлаш ва оммани шўро атрофига жипслаштириш мақсадида амалга оширилди. Уларнинг Мухториятини олиб қўйиш, ушбу жирканч буржуйчилардан тозалашни бошлаш ва буржуа Мухториятини Шўро Мухториятига айлантириш зарур»².

Шўро раҳбариятининг миллий асосдаги Мухторият эмас, балки Шўро негиздаги Мухторият тарафдори эканлиги масаласи ҳаттоки РСФСРнинг 1918 йил 10 июлда қабул қилган конституциясида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Конституциянинг 8-параграфининг 4-бандида бундай дейилган: «Ҳар бир миллатнинг ишчи ва деҳқонига Мухтор Ҳокимият ёки бошқа Мухтор Шўро ташкилотлари ишида иштирок этмоқчи ёки йўқми, ва у қайси негиздаги мухториятда иштирок этмоқчи, шуни ўзи ҳал қилиши ҳуқуқи бериб қўйилган»³.

Хуллас, Туркистон мухторияти учун кураш мамлакатимиз халқларининг миллий истиқлол учун, эрк ва озодлик учун олиб борган мардонавор ва жасоратли курашининг энг ёрқин саҳифаларидан бири сифатида Ватан тарихидан ўрин олди. Ватанпарварлик тарбиясининг ўрнатилган ва намуна олса арзигулик бу сатрлари мухториятчилар ва уларнинг жасоратлари мамлакатимиз фуқаролари, хусусан ёш ўғил-қизларимиз қалбида қанчалик меҳр-мухаббат уйғотса, Туркистон мухториятчиларини қонга ботирган ва уларни тенгсиз жангда қирғин қилган шовинист Россия шўро салтанати мустамлакачиларига нисбатан ҳам шу қадар нафрат ва ғазабларини туғён урдиради

¹ R. Shamsutdinov., SH Karimov. Vatan tarixi. (O'zbekiston sovet mustamlakachilik davrida). Uchunchi kitob. "Sharq" Toshkent-2010.

² R. Shamsutdinov., SH Karimov. Vatan tarixi. (O'zbekiston sovet mustamlakachilik davrida). Uchunchi kitob. "Sharq" Toshkent-2010.

³ Ўша асар.

3-боб. Туркистон Мухториятининг тугатилиши ҳамда кейинги даврларда мухториятчиларга нисбатан қўлланилган оммавий қатоғонлар.

1917 йил 27 февралда Петрограда бошланган инқилоб Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Натижада, Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари советлари тузила бошлади.

1917 йилда ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат миллий зиёлилар ўртасида, ҳатто дин пешволари ва оддий халқ оммаси орасида ҳам оммалашга эди. Ижтимоий тафовутларга қарамай, бутун Туркистон жамиятида ўлканинг мустамлака мақомини тугатишга интилиш кучли эди. Миллий озодлик учун бошланган ҳаракат бу ерда янги ҳокимиятнинг рус ташкилотлари билан бир қаторда «Шўрои Исломия», «Шўрои уламо», «Мирваж ул-ислом», «Мифтоқ ул-маориф», «Равнақ ул-ислом», «Иттифоқ ул-муслимин», «Турон» ва бошқа турли мусулмон ташкилотлари пайдо бўлишига олиб келди.¹

«Шўрои исломия»нинг Тошкент ташкилоти ташаббуси билан чақирилган Бутунтуркистон мусулмонларининг 1-қурултойи 1917 йил 16 апрелда иш бошлади. қурултойда давлат бошқаруви ва уни ташкил қилиш масалалари бўйича Аҳмад Закий Валидий маъруза қилди. Бутунтуркистон мусулмонлари 1-қурултойи сўнгги мажлисида марказий орган-Туркистон ўлка Мусулмонлар Марказий Шўроси (Краймуссовет) ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Унинг ташкил этилишидан асосий мақсад миллий озодлик ҳаракатига ташкилий ва марказлаштирилган тус бериш учун барча жамият, қўмита ва ташкилотларни бирлаштириш эди.

Шундай қилиб, Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги йўлида биринчи муҳим қадам қўйилди. Афсуски, ўлка мусулмонлари сиёсий ташкилотларининг бирлашиш жараёнилари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмай, Мунаввар Қори Абдурашидхонов бошчилигидаги «Шўрои Исломия»дан 1917 йил июн ойида «Шўрои Уламо» ажралиб чиқди. «Шўрои Уламо» ташкилотининг ташаббуси билан Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрда туркистонлик мусулмонларнинг қурултойи ўтказилди. Натижада «уламочилар» билан «Шўрои Исломчилар» ўртасидаги узоқ ва кескин келишмовчиликларга қарамай, қурултой келишиш йўллари топишга муваффақ бўлди. «Шўрои Исломия», «Турон», «Шўрои Уламо»-барчаси бирлашди ва ягона куч сифатида иш қўриш вақти келгани алоҳида таъкидланиб, «Иттифоқи муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди. Шунингдек, қурултойда Туркистоннинг миллий давлатчилик тузуми ҳақида турли фикрлар билдирилди.

Шундай қилиб, «Уламочилар» қурултойдаги асосий масала Туркистон ўлкасининг кележақдаги сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий мухтор федерация-«Туркистон Федератив Республикаси» тузилиши ғояси илгари сурилди. Бунда Туркистон федерацияси ўз пулини муомалага чиқариши, ўз милициясига эга бўлиши, ўз чегарасини қўриқлаш учун қўшин сақлаши мумкин бўлиши кўзда тутилди. Уруш вақтида чегарани қўриқлаш вазифаси эса Россия республикасининг ҳукумати томонидан ташкил этилиши, Туркистон федерациясининг бутунлай Россия ҳукумати бўйруғига бўйсиниши таъкидланди.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида -Т.: Шарқ. 2000.

Бироқ 1917 йил октябр ойида Тошкент Совети солдатлари ўз томонига оғдир бошлади, асли россиялик бўлган ишчилар ҳам унга эргашди. Тошкентдаги Октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Коровченко ва Муваққат ҳукуматининг Туркистон Комитетини қамоққа олдилар. Шу кун Тошкент Совети Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганини эълон қилди. 1917 йил 1 ноябрда советлар Янги Термиз ва Каттакўрғонда, 25 ноябрда Янги Бухоро (Когон)да, 28 ноябрда Самарқандда, 7 декабрда Наманганда ҳокимиятни ўз қўлига олди.¹

Туркистонда большевиклар синфий кураш тамойилларига амал қилиб пролетариат «манфаатлари» дан келиб чиқиб сиёсат юрита бошладилар. Ўлкадаги янги тузум Россия империясининг мустамлакачилиқ сиёсатидан ошиб тушди. Туркистон ўлкаси иккинчи марта Марказий Россияга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўла бошлади.

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавкулудда IV - қурултойи бўлиб ўтди. Маълумки, мусулмонларнинг ушбу қурултойи ва унда қабул қилинган қарорлар совет даври адабиётларида «миллатчилар гуруҳининг йиғинида эълон қилинган буржуа мухторияти» деб талқин қилиб келинди. Хужжатлар эса ушбу ҳолнинг бутунлай тескарсини бўлганлигини исботлайди. Масалан, муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий ўз маърузасида қурултойнинг Туркистон халқлари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурулиш даври эканини таъкидлаб, «Қурултойимиз қабул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар»², деди.

Қурултой 1917 йил 27 ноябр кун қабул қилган қарорда: «Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди ҳамда мухториятнинг қарор топиш шакллари Таъсис мажлисига ҳавола этди». 28 ноябрда таркиб топаётган мазкур ҳукуматнинг номи аниқланиб, у Туркистон Мухторияти деб аталадиган бўлди.³

Бутунроссия Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон Миллий (миллат) Мажлиси қўлида бўлиши керак, деб ҳисобланди. Қурултойда Туркистон Муваққат кенгаши аъзоларидан Туркистон мухторияти ҳукумати (8 кишидан иборат) тузилди. Бош вазир қилиб аввал Муҳаммадjon Тинишбоев, сўнгра Мустафо Чўқаев сайланди. Айни пайтда М.Тинишбоев ички ишлар вазири ҳам ҳисобланган. Қўқон шаҳри миршабларининг бошлиғи-қўрбошиси бўлган Кичик Эргашнинг ваколати Туркистон Мухторияти тамонидан эътироф этилди. Шунингдек, Убайдулла Хўжаев ҳарбий вазир, Абдурахмон Ўразаев ички ишлар вазирининг ўринбосари, Муставо Чўқаев ташқи ишлар вазири, Исом Султон Шоаҳмедов бош вазир ўринбосари, Юрали Агаев ер ва сув бойликлари вазири, Обиджон Маҳмудов озиқ-овқат вазири, Соломон Абрамович Герцфельд молия вазири қилиб сайландилар.

Туркистон Мухторияти-миллий демократик давлат эди. Мухтор ҳукуматни кенг халқ оммаси қўллаб-қувватлади. Туркистон Мухторияти миллий қўшинни ташкил қилишга жиддий киришди. 1918 йил бошида уларнинг сони 2000 аскарга етган. Бундан ташқари, Қўқонда тахминан шунча миршаб бор эди. Уларга Кичик Эргаш қўрбоши бошчилиқ қилган.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг халқ орасида обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бориши большевикларни ташвишга солиб қўйди. Туркистон ўлка Советларининг IV съезди (1918 йил 16-29 январ) Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқарии ҳолатда, деб ҳисоблади, ҳатто ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш

¹ R. Shamsutdinov., SH Karimov. Vatan tarixi. (O'zbekiston sovet mustamlakachilik davrida). Uchunchi kitob. "Sharq" Toshkent-2010.

² R. Shamsutdinov., SH Karimov. Vatan tarixi. (O'zbekiston sovet mustamlakachilik davrida). Uchunchi kitob. "Sharq" Toshkent-2010.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида -Т.: Шарқ. 2000.

ҳақида қарор қабул қилди.¹ Бу билан совет ҳукумати ерли халқ миллий демократик давлатчилигининг дастлабки тажрибаси бўлган Туркистон Мухториятини қонга ботириб тугатишга қарор қилди.

Съезд тугаганидан кейин уч кун ўтгач, 1918 йил 30 январда Туркистон ўлкаси ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатлар бошлади. 1 февралда (янги ҳисоб билан 1918 йил 14 февралда) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилинди.

1918 йил 29-30 январда Қўқонда Ҳақулодда вазият мислсиз даражада кескинлашди. Ана шундай бир шароитда 30 январда Қўқон ишчи ва аскар депутатлари Советининг мажлиси бўлди. Унда Туркистон мухториятини ағдарувчи орган-инқилобий кўмита (революцион комитет) тузилди. Унинг раислигига большевик Е.Г.Бабушкин сайланди. Инқилобий кўмита таркибига туб ерли аҳоли вакилларида киритилмади.

Кўмита ўз қўлида чекланмаган ҳокимиятни мужассамлаштирди, унга катта ваколатлар: Ҳақулодда чоралар кўриш, ҳамма нарсани совет ҳокимиятини ҳимоя қилишга бўйсиндириш ва сафарбар этиш ҳуқуқи берилди. Инқилобий кўмита олдидаги энг асосий бош вазифа мухторият ҳукуматини тугатиш, шаҳар аҳолисини қуролли куч билан совет ҳокимиятини тан олишга мажбур қилиш, «Инқилобий тартиб» ўрнатишдан иборат эди. Бу эса оммавий қатоғонлар учун кенг йўл очиб берди.

Инқилобий кўмита ишни Европалик ишчилар ва темир йўлчиларни қурол билан таъминлашдан бошлади. Айниқса большевикларнинг Қўқон шаҳридаги арман миллатига мансуб дашноқларни: баққоллар, сартарошлар ва вино сотувчиларни қуроллантиришлари оммавий қирғинларни янада даҳшатли тус олишларига сабабчи бўлди. Тошкент, Скобелев, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлардан ҳарбий мадад сўраб мурожаат қилинди.

Айнан шу пайтда, 1918 йил январи охири-феврари бошларида Совет ҳокимияти томонидан кучли босим таъсирида Мухторият тарафдорлари хатти-ҳаракатлари хусусияти шаҳар совети тузулмалари билан тинч-тотув яшашдан ҳарбий қарама-қаршиликка боришга томон ўзгара бошлади. Қўқон

совдепоси мухториятчиларнинг қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўраётгани белгиларини қайд этди. Шаҳар ҳокимияти бунга совуққонлик билан қаролмасди, чунки ундаги ҳарбий қаъла 16 кишилик рота томонидан қўриқланган эди, холос. Бу қарама-қаршилик очикдан-очик жанговар ҳаракатларга айлана бошлади. 29 январдан 30 январга ўтар кечаси совет ҳокимияти томонида турган ҳарбий қисмлар Қўқондаги мухтор республика ҳукумати билан курашни бошлаб, моҳиятан Россияда биринчи бўлиб фуқаролар урушини бошлади.²

Бу воқеа арафасида Қўқон шаҳар совети пленуми иштирокчилари Мухторият ҳукуматидан 1918 йил 9 январда Қўқонда ташкил этилган қарийиб 2 минг кишилик миллий кўшинни дарҳол қуролсизлантириш ва тарқатиб юборишни талаб этиш ҳақида қарор қабул қилди.³

Айни пайтда, Туркистон ўлкаси ХКС Тошкент, Наманган, Самарқандда шаҳар Думаларини тарқатди. Собик генерал-губернатор канцеляриясини тугатди, «Буржуа» газеталарини ёпди. Пахта заҳираларини мусодара этди, нефть қазиб чиқариш, балиқчилик саноати, «Хива» кемачилик жамияти, барча босмаҳона ва типографияларда миллийлаштиришни ўтказди, ФК (Ҳақулодда комиссия) ташкил этди, дин давлатдан ва мактаб диндан ажратилганлигини эълон қилди.⁴

«Қўқон мусулмон аҳолиси рус ва арманларни қирғин қилиб, шаҳарнинг европаликлар яшайдиган қисмини вайрон этди», - деган атайин тарқатилган миш-мишлар большевистик советларга содиқ ҳарбий бўлинмалар орасида мусулмонларга қарши қаҳр-ғазаб уйғотишга

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.153-155.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида -Т.: Шарқ. 2000.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида -Т.: Шарқ. 2000.

⁴ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.147.

сабаб бўлди. Бу билан большевиклар ўзларининг оммавий қатағонликларининг амалга оширишида қизил армия ҳарбий бўлинмаларидан бемалол фойдаланиш учун йўл очдилар. Чунки Қўқон ҳукуматида бундай катта ҳарбий куч йўқ у бор-йўғи бир неча ҳарбий қисмлар ва қипчоқ отлик солдатларига таянарди.

Мухториятчилар 29дан 30 январга ўтар кечаси оқ гвардиячилар ёрдамида инқилобий қўмита жойлашган Қўқон қаъласига ҳужум уюштириш билан бир қаторда телефон станциясини ҳам эгаллаб олдилар. Аммо Қўқон ҳарбий инқилобий қўмитаси телеграф ва телефон алоқаси узулгунга қадар содир бўлаётган воқеа тўғрисида Тошкентга хабар бериб, ҳарбий ёрдам сўрашга улгурган эди. 31 январ кечаси соат учда Фарғонадан тўртта замбарак ва тўрта пулемёт билан қуролланган 120 (айрим маълумотларга қараганда 146) кишилиқ ҳарбий қисм етиб келди. Шу туннинг ўзидаёқ инқилобий қўмита Мухторият ҳукуматига талабнома йўллаб, кундузги соат учга қадар қурол-ёроғни топшириш, ваколатларидан воз кечиб, совет ҳукуматини тан олиш шартини қўяди. Мухторият ҳукумати аъзолари большевиклар талабини жавобсиз қолдирдилар. Шундан кейин инқилобий қўмита Мухторият аъзоларини ҳибсга олиш тўғрисида қарор чиқаради.¹

Аммо Мустафо Чўқаевнинг хотирлашича «31 январ кундуз соат 12 да Хўқанд большевикларининг бизга берган ультуматумини текшириб ўтирганимизда бизга тўхтовсиз милтиқ ота бошладилар . бу милтиқ отувчилар большевиклар бўлиб чикди. Большевикларнинг ультуматумида бизга 2 соат муддат тайин этилган ва ул муддат 2 соат 20 минутда тўлар эди: нечундир алар шартномасини хилоф ҳаракатга киришиб муомила йўлини кесдилар. Шўрои исломия юртинда ҳукумат қўшинларидан бошқа халқда жийилғон эди. Большевик солдатлари яқинлашиб келарлар, деган хабарни эшитиб бошқа халқ тарлан кибиқ ҳукумат кишиларида иккинчи бош қўширға йўл қолмағач тарқалишдилар. Чунки халқ ҳукуматининг алида бўлса келишурмиз, большевикларга қарши қурол кўтармангиз»-деган сўзига кулоқ солмай, ҳар қайси боринча сўғиш асбобларини олиб ўрамга чикдилар. Большевикларнинг ваъдалариндан илк ота бошловлари халқнинг кўнглини, олар муваққат ҳукуматигина туғил, бутун халққа қарши ҳаракат бошладилар, деган кўркув солди. Бу вақт муваққат ҳукуматнинг йўли бутунлай кесилган эди. қўқонда бўлган бу кўнгилсиз воқеани сиёсий сабабларидан бошдан аёқ ёзувни ҳозирги замон кўтармий».

Ана шу тариқа, Қўқон шаҳрида большевиклар маҳаллий аҳолини қириб ташлашдан иборат оммавий қатағонларни бошлаб юбордилар. Туркистон ўлкаси ХКС Туркистон Мухториятига четдан келадиган ҳар қандай ёрдамни олдини олиш чораларини кўрди. 1918 йил 14 февралда бутун Фарғона водийсида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Фарғона темир йўлида эса қамал ҳолати жорий этилди.

Албатта бундай оғир шароитда Туркистон мухторияти ўзини-ўзи ҳимоя қилишга ожиз эди. Мухториятчилар бошланган даҳшатли қирғинга қадар тинч воситалар йўли билан ҳокимиятни қўлга олишга ишонар эди. Шунга қарамай, мухториятчилар совет қўшинлари ҳужумини уч кун қайтарди. Улар қўлга тушган нарсалар-таёқ, болта, кетмон, ошпичоқ, тошлар билан қуролланган эди.

«Туркистон-туркистонликлар учун!» шиори билан чиққан мухториятчилар муқаддас уруш-ғазоват эълон қилдилар ва вилоятлардан ёрдам кутдилар. Бироқ, афсуски, мухториятчилар бошқа жойлардан етарли даражада ҳарбий ёрдам олишмади.²

Мухтор ҳукумат вазиятнинг ниҳоятда оғир эканлигини ҳисобга олиб сўнгги ва охириги имкониятни ишга солди ҳамда большевиклар билан бошланган музокара ташаббускори бўлди. Бу музокара 17 февралда бошланди. Музокарада мухториятчилар қуйидаги талабларни ўртага қўйдилар: 1. Шаҳарни биргаликда бошқариш ва унинг таркибида мухториятчиларнинг кўпроқ вакиллари бўлишини таъминлаш.2. Ҳарбий

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000.- Б.66.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.146.

қаълани шу органнинг назорати остига олиш.³ Милициядан бошқа барча кучларни куросизлантириш. Ўлкада совет ҳукуматининг шариатга зид декретларини бекор қилиш.

Аммо инқилобий қўмита Мухториятчиларнинг бу таклифларини рад этди. Мухтор ҳукумат қандай бўлмасин қон тўкмаслик учун ҳаракат қилдилар. Ҳарбий вазир полковник М. Чанишев инқилобий қўмитага ультиматум қўйиб, соат 4 гача қаълани топширишни талаб этди.

Аммо мусулмон ишчи ва деҳқонлар конференцияси қатнашчилари ультиматумни қайтариб олишни талаб қилдилар.

«Шўрои уламочи»лар ўз тарафдорлари билан бунга норозилик билдириб, ультиматумни қайтариб олишга қаршилиқ қилдилар. Мухторият ҳукумати аъзолари ўртасида ўзаро ихтилоф келиб чиқди. Мустафо Чўқай ўғли бошчилигидаги ҳукумат маҳкамаси ағдарилди ва ҳукумат бошқаруви Қўқон шаҳар милицияси бошлиғи Кичик Эргашга ўтади. 18 февралдан 19 февралга¹ ўтар кечаси Тошкентдан ўлка ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги замбараклар билан қуролланган қўшин етиб келди. Перфильев шаҳарни уч тарафдан ўраб олиб, 19 феврал куни эрталаб Эргашга талабнома йўллади. Эргаш унинг талабларини бажаришдан бош тортгач, Перфильев Қўқон шаҳрини 12 замбаракдан ўққа тутди. Кундуз соат 1да бошланган ўқ ёмғири шомгача шаҳарни вайронага айлантирди.² Аммо шунга қарамай, мухториятчилар таслим бўлмай, ҳар бир бинони, ҳар бир дўконни, ҳар бир карвонсаройни мардларча ҳимоя қилдилар.

Эртаси куни -20 феврал тонгида вайрон этилган шаҳарга пиёда қўшинлар ва дашноқларнинг жанговар қисмлари кирди. Қўқон ўт ичида қолди. Қўқондаги хунрезликлар, қатоғон даҳшатларини амалга оширганларнинг ўзлари ҳам эътироф этганлар. Ўлка ҳарбий комиссари Е. Перфильев жанг тафсилотларини шундай хикоя қилди. «Мачитларни яна бир неча маротаба тўпдан ўққа тутишга тўғри келди, қизил гвардиячилар бўғизланган Европаликларнинг жасадларини кўрганда шундай тутакиб кетдиларки, уларни ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди, аскарлар олдидан чиққан ҳамма нарсани яксон қилиб кетавердилар. Ҳатто шундай ҳолат рўй бердики 5 та қизил гвардиячи ерли бандитларнинг 200 тасини олдиға солиб қувлади. Отряд катта қаҳромонлик кўрсатди. Жанг иштирокчилари орасида бирорта ҳам қўрқоғи йўқ эди. Биз қийинчилик билан Тошкўприкни қўлга киритдик ва Эски шаҳарга ёриб кирдик. Исёнчилар тўдаси Скобелев томонга чекинишди. Бадавлат кишилар қимматбаҳо бойликларини, пулларини ўзлари билан олиб қочдилар, лекин нарсалари ўзларига насиб этмади. қочаётганларни тезотар тўпдан ўқ узиб янчиб ташладик, бир қисмини эса орқага чекинишга мажбур этдик. Уларнинг кўрпа-ёстиклари, гиламлари, қимматбаҳо нарсалари йўлда сочилиб қолди.»

Қўқонда даҳшатли фожеалар ва қирғинларни ўз кўзи билан кўрган ва унинг шахсан иштирокчиси М.К.Шкорупанинг иқрори айниқса диққатга лойиқдир: «Тинч аҳолининг уйлари, Туркистон Россия учун ҳам тансиқ бўлиб қолган манфактура, ғалла омборлари ёнарди. Қўқон уч кун ўт ичида қолди». «Ўша кунларда,-деб ёзади тарихшунос Шомагдиев Ш.А.,-талончиликлар ҳам авж олган. Аскар, қизил гвардиячиларга бўйсинмай қолган оломон, майда буржуазия нима бўлса шуни талаб, тошиб кета бошлади. Эски шаҳар ва барча дўконлар тижорат фирмалари, савдо қаторлари, банклар, майда хонодонлар талон-торож қилинди. Толончилар талаган мулкларини аравага ортиб, вокзал ва қаълага ташидилар. У ерда бегона мулкни бўлиб олиш бошланди».³

Совет ҳукуматининг Туркистон мухториятини қонга бостириш учун дошноқлар отрядидан фойдаланиши Қўқонда хаддан ташқари хунрезликларни ошириб юборди.

¹ 1918 йил 1 февралдан бошлаб кунлар янги сана бўйича кўрсатилади. Чунки Совет ҳокимиятининг декрети билан 1918 йил 31 январдан кейин 1 феврал эмас, балки 14 феврал деб ҳисобланди.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб.....-Б.66

³ ³ R. Shamsutdinov., SH Karimov. Vatan tarixi. (O'zbekiston sovet mustamlakachilik davrida). Uchunchi kitob. "Sharq" Toshkent-2010.

Дошноқлар Қўконда шифохонани ёқиб юборди унда 500 та ярадор ва касаллар бор эди. Қўкон пахта заводи ишчиларининг 50 та хонадонини аъзолари сўйиб ташланди. Қўкон шаҳрининг ўзида 10 маҳалла аҳолисини сўйиб ташлаб, болаларни жовдидан ўтказди.

Қўкон аҳолиси даҳшатли қирғиндан ваҳимага тушиб шаҳарни тарк эта бошлади. Қўкон уч кун маъшала бўлиб ёнди. Уйлар, газлама омборлари, нон дўконлари куйиб кул бўлди. Эски шаҳарнинг учдан бири тўлиқ вайрон этилди. қўконда даҳшатли манзара ҳосил бўлди. Ҳамма ёқда ўликлар уйими. Уларнинг бир қисми куйиб кетган.¹ Инглиз айғоқчиси майор Блэккер маълумотиға қараганда портловчи моддалар ва тўплар ёрдамида қилинган хужум пайтида шаҳар бутунлай вайрон этилган, ўша куннинг ўзида 3000 га яқин одам ўлган. Айрим маълумотларга кўра, шу фожеали қирғин оқибатида 10000 дан зиёд киши ҳалок бўлган. Шаҳараг 1918 йили келган инглиз капитани А. Брун уни ярим бўш ҳолида кўрган. Унинг ёзишича, шаҳарни босиб олишда иштирок этган немис, австриялик, венгр асирларидан ёнланган солдатлар 100000 сўмдан ортиқ пулни ўмаришган.²

Айниқса армани миллатига мансуб дашноқлар Қўкон шаҳрида мудхиш ваҳшийликларни амалга оширдилар. Қўконда амалга оширилган оммавий қатоғонларнинг қатнашчиларидан яна бири А.Т. Каравайцев ўз эсдаликларида бундай ёзади: «Коновалов тўдасидаги арман дашноқлари ўзбошимчаликни ҳаддан ошириб юбордилар. Улар Қўконга келгунча тинч аҳолини талаб, қирғин қилган»лар.³

Совет ҳукумати қўшинлари эски шаҳарни, айниқса савдо тармоқларини, дўконлар, расталарни, омборларни таладилар, қолганларига ўт қўйиб ёндириб юбордилар. Дошноқи арманлар мусулмонлар яшайдиган хонодонларга бостириб кирдилар, ҳеч кимни аямасдан қирғин қилдилар, ҳатто қариялар ва ёш гўдакларга ҳам раҳм қилмадилар. Ёш қизларнинг номусларини ҳақоротладилар, аёл жувонларни эса эрлари кўз олдида зўрладилар. Ибодотхоналар, масжид ва мадрасаларни вайрон қилдилар. Ҳамма ерда қамокқа олишлар бошланди. Бунда «Муваққат ҳукуматиға бирон-бир алоқаси борларни қамокқа олишди ва қаълага жўнатишди. Ордер (рухсатнома) билан ва ордерсиз қамокқа олишди. Кўпгина қамокқа олишлар «ўзбошимчалик» деб тан олинди. Айрим қамокқа олинганларни сув ва терговсиз отиб ташланди».⁴

1918 йил 20 февралда Туркистон мухторияти ағдарилгач Туркистон мухторияти ҳукумати таркибида бўлган 54 аъзоларидан 30 киши хибсга олиниб суд қилинди. Қолганлари эса яширинади. Бир қисми хорижга қочади, бошқалари эса яширин фаолиятга ўтиб, совет ҳукуматиға қарши курашнинг яширин формасини танлайди.

Туркистон мухториятини ағдариш жараёнида Қўкон ўт ичида қолди. Қўкон шаҳридаги почта 1000дан ортиқ магазин ва дўконлар ёниб кул бўлди. 1500дан ортиқ аҳолининг уйлари ёниб кўчада қолишди.⁵

Қўқонни ташлаб кетишга мажбур бўлган Мухтор ҳукуматнинг аъзолари Фарғона шаҳрига бориб халқни намоёйишга чорладилар. Уларни туб ерли маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватлади. Лекин совет ҳукумати бу ҳаракатни ҳам қатағон машинаси қизил армия ёрдамида қонга ботириб бостирди. Мухтор ҳукумат аъзоларидан Хидоятбек Оғаев, Миродил Мирзааҳмедов қатл этилган.⁶ Носирхон Тўра Наманганда, С.Герцфельд Самарқандда, Обиджон Маҳмудов Бухорода қўлга олинган. Уларни турли йилларга озодликдан маҳрум этдилар.⁷

Убайдулла Хўжаев, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) Қўқондаги фожеавий қирғинларни Ашхабоддан Самарқандга келаётганларида йўлда эшитдилар ва улар ўз

¹ Ўша асар.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.149

³ Воспоминание участников гражданской войны в Андижанской области. Выпуск. 1.-Андижан, 1957. с-51

⁴ Улуғ Туркистон. 1918 йил. 12, 14, 19 март.

⁵ Қўқон шаҳар тарихий-ўлкашунослик музейи илмий фонди материалларидан.

⁶ ЎзР МДА, Р-615-фонд, 1-рийхат, 97-дело, 75-варақ.

⁷ Чўқаев М. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари) Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёти матбаа бирлашмаси, 1992.-Б.49.

йўллари йўзгартириб Оренбург томон йўл олдилар. Бу ерда улар Аҳмад Закий Валидий Тўғон билан учрашдилар. У Оренбургда Бошқирдистон мухториятининг ички ва ҳарбий ишлари билан банд эди.¹

Совет ҳукумати Туркистон мухториятини тугатиш боҳаноасида ўлка халқларини қирғин қилиш, дахшатли қатағонларни бошлаб юборди. Қизил армия ва хусусан арман дашноқлари Қўқон шаҳридаги дахшатли қирғинлар ва ёндириш-вайронагарчиликлар билан чекланиб қолмадилар. Улар Қўқон фожиялари баҳонасида бутун Фарғона водийсини вайрон қилиб, култепага айлантirmoқчи бўлдилар. Бу йўл билан совет ҳукумати маҳаллий аҳолини қўрқитиб умуман бош кўтараолмайдиган қилиб қўймоқчи бўлдилар. Тарихчи олим Ш. Шоматдиев берган маълумотларга қараганда мухтор ҳукумат ағдарилгач ҳам ваҳшийлик давом этгани яққол кўринади. Қўқон ва унинг атрофидаги тинч аҳолини талаш ва ўлдириш ҳолатлари тўхтамади. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10 минг киши ўлдирилди.² Қизил аскарлар ва дашноқлар аҳолини дахшатга солиш, қўрқитиш мақсадида 1918 йилнинг бошларида Фарғона водийсидаги 180 шаҳар ва қасабани ёндириб кулини кўйкка совирдилар. Ана шу дахшатли қирғин пайтида Марғилон шаҳрида 1000, Андижон шаҳрида 6000, Наманган шаҳрида 2000, Бозорқўрғон ва Қўқонқишлоқ атрофларида 4500 туркистонлик мусулмонлар шохид бўлдилар.³ Бу албатта албатта ўлка халқларининг мустамлакачи совет ҳукуматига нисбатан қаҳр-ғазаби ва нафратининг кучайишига сабаб бўлди.

Ушбу дахшатли воқеалардан сўнг ҳарбийлар Қўқон шаҳрини тарк этдилар. Солдатлар ва қизил армия «ўзлари билан вагонларда таланган миллий бойликлар ва кўплаб вагонда асирларни» олиб кетдилар.⁴ Ҳарбий советнинг қарорига биноан шаҳарда замбараклар билан қуролланган алоҳида махсус бўлим қолдирилди.⁵

Совет тузуми бу ваҳшийликни қўрқитиш учун амалга оширди, у Марказнинг розилигисиз «Мухторият»ни Туркистонда ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзбошимчалик билан барпо этмасин деган мақсадни кўзда тутди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Туркистон Мухторияти тор-мор этилгач, 1917 йил декабрида қозоқ миллий демократлари томонидан Оренбургда ташкил этилган Алаш-Ўрда автономияси ҳукуматининг тақдири ҳам 1920 йил март ойида шундай бўлди.⁶

Туркистон мухторияти ҳукумати аъзоларини ва уларни тарафдорларини таъқиб этиш, уларни қатағон домига тортиш сиёсати совет ҳокимияти томонидан бир зум бўлса-да тўхтатилмади. Аксинча кейинроқ бўлса-да уларни бутунлай жисмонан йўқ қилиб ташланди.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги ҳузурида ташкил қилинган “учлик”нинг 1930 йил 27 октябрдаги суд йиғилишида Туркистон мухтор ҳукумати аъзоларидан бўлган Носирхонтўра Саидкамолхонтўраевни 56 ёшида ўтмишида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий “Қўқон мухтор ҳукуматида вазир лавозимида ишлаган” 1925 йилдан 1928 йилга қадар совет ҳукуматига қарши фаолияти учун қамалган. Ҳозирда ҳам совет тузумига қарши ташвиқот олиб бормoқда деб отувга ҳукм этди.⁷ Худди шу кунги йиғилишда “учлик” Носирхонтўра Саидкамолхонтўраевнинг оила оила аъзолари ва маслакдошлари устидан ҳам ҳукм чиқарди. Носирхонтўранинг фарзандларидан Дадахон эшон Носирхоновни отувга, Хасанхон Носирхонтўраевни 6 йилаг қамoқ жазосига ҳукм этилди.⁸ Носирхонтўра Саидкамолхонтўраевнинг шогирдларидан Муллафозил Бобомухаммедов, Мулланўмон Каримовларни дастлаб отув

¹ Закий Валидий. Хотиралар. «Шарқ юлдузи», 1993 йил 7-8 сон, 165-166 бетлар.

² Шоматдиев Ш.П. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине.- Т.: Фан, 1961.- С.55.

³ Ўша жойда. Б.56.

⁴ Улуғ Туркистон. 1918 йил. 19 март.

⁵ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. 1. с.50.

⁶ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.151

⁷ Среднеазиатский кишлак в годы большого террора (Составители: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов М., Дўстматов Э.П.) Андижон 2007. С. 7

⁸ Ўша жойда. Б.8.

жазосига ҳукм этиб, сўнгра ижтимоий келиб чиқишини ҳисобга олиб отув жазоси 10 йиллик концлагерга қамоқ билан алмаштирилди, Юлдашев Муллатожибойни ҳам 10 йилга озодликдан маҳрум этди.¹ Носирхонтўранинг хотинини акаси Сайдулло Мақсудовни 5 йилга озодликдан маҳрум этилди.²

Аммо зўрликка, босқинчиликка асосланган ва Туркистон мухториятини тугатишга қаратилган Совет ҳукуматининг шафқатсиз оммавий қатоғон сиёсати меҳнаткаш халқ оммаси кўзи олдида бу ҳукуматнинг асл мақсади ва моҳиятини очиб ташлади. Натижада бутун Туркистон халқлари истиклол учун, эрк ва миллий озодлик учун курашга отландилар.

Совет ҳокимиятининг Қўқон шаҳрида амалга оширган даҳшатли оммавий қатоғонларидан ҳатто Туркистонда яшаётган Европа миллатига мансуб эсерлар, кадетлар ва меньшевикларнинг вакиллари ҳам нафратланган эдилар.

Меньшевик-интернационалистлар фракциясининг бошлиғи Х.Л. Вейнштейн Тошкент шаҳар Советининг 1918 йил 23 февралдаги йиғилишида Республика Ҳарбий Комиссари Е. Перфильевнинг қизил гвардиячи жангчилари билан Қўқонда даҳшатли қирғин қилганини тафтиш этиш керак ва айбдорлар жавобгарлик тортилиши лозим, деб талаб қилди. Жумладан у шундай деган эди: «Қизик, синфий кураш номи билан арманлар ва форсларнинг ўзаро миллий келишмовчиликлари ҳақидаги гаплар, мусулмонлардан қандай қилиб ҳимояланишимиз лойиҳаси тўғрисидаги фикрлар кулоққа чалинмоқда. Биз синфий кураш ўрнига миллий кураш олиб бораёلمиз, бу аҳволни, шубҳасиз, табиий ҳол деб ҳисобга олмаёلمиз. Лекин у мантиқан тўла советларнинг Туркистон ўлкасида олиб бораётган сиёсати оқибатидир. Ўлкада мусулмонлар хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмай туриб социализм куришга интилоқдамиз. Ўртоқ Перфильев меҳнаткаш мусулмон оммаси мухториятини хоҳламади, қўллаб-қувватламади, деб таъкидлаб ўтди. Ўртоқ Перфильевнинг ўз фикрини исботлашга асоси борми? Унинг асоси шундаки, қайсики мусулмонлар тўпдан ўққа тутилгандан кейингина ўзларини бўйсинишга тайёр эканликларини билдирганини назарда тутаётган бўлса керак.

Ерли халқ Куропаткинга ўзларининг итоатгўйлигини ўшандай усуллардан кейингина билдирмаганмиди? Ўртоқ Перфильев Куропаткин қўллаган усуллар билан ёндошмоқни мулоҳаза қиляпти. Маърузада биз фақат миллий қирғинларни кўраяёلمиз: бундай усулни подшо монархияси қўллаган. қайси социалист буларга ишониши мумкин? Сиз Туркистонни ташлаб чиқиб кетасизми? Агар бу ерли халқнинг хоҳиш-иродаси бўлса-чи? Кимки бу тўғрида гапирадиган бўлса, сизлар даров унинг овозини ўчирасизлар. Йўқ сизлар социалист эмас, ўша империалист, ўша истилочисизлар. Вейнштейн ўз фикрини давом эттириб.... Интернационалистлар фракцияси номидан зудлик билан рўй берган воқеани тафтиш қилиб, ўрганиб чиқувчи комиссия тузишни, инқилобнинг қизил байроғига кимки доғ туширган бўлса, оддий гвардиячидан тортиб, отряд командиригача ҳамма-ҳаммасини қаътий жавобгарликка тортишни талаб қиламиз. Биз учун айрим кишиларнинг шуҳрати эмас, демократиянинг виждони ва тутган йўли аҳамиятлидир. Инқилоб байроғидан доғни ювиб ташлаш керак. Айбдорлар қонун олдида жавоб беришлари лозим».³

1918 йил январ ойидаёқ Скобелев шаҳар ҳокими В.Д.Дориомедов «Знамя свободѹ» газетасида мухториятчиларга ҳайрихоҳлик билдириб, «Рус большевиклари ҳар қандай мухториятни тан олмади ва мазлум халқлар ўз ҳуқуқлари ва тақдирини ҳақиқатан ўзлари белгиламоқчи бўлганларида бунга йўл қўймади»⁴ деб ёзган эди.

Туркистон мухториятига қарши амалга оширилган қатоғон сиёсатини баъзи бир большевик арбобларнинг ўзлари ҳам танқид қилган эдилар. Жумладан, совет ҳукумати

¹ Ўша жойда. Б.10.

² Ўша жойда.

³ Туркистан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я.Раджапова.-Т.: Шарк. 2000.-С.110-111.

⁴ Алексеенков.П. Кокандской автономия.-Т.: 1931.с.6

арбобларидан Д.Ж.Манжара шундай деган эди: «Миллий сиёсатда йўл қўйган хатоларимиз туфайли Қўқон мухторият вужудга келди... Уни йўқотиш пайтида яна бир хатога йўл қўйдик. Қурол аслаҳаси деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашагна эски шаҳарни камал қилиш ўрнига биз тўплардан ўққа тутдик, кейин дашноқларнинг қуролли тўдаларини ишга солдик. Натижада талон-тарож, номусга тегиш, қирғин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли катта зарар кўрди.»¹

Булардан кўриниб турибдики Туркистон мухториятининг тугатилиши жараёнида совет ҳокимиятининг қатоғон сиёсати нафақат ерли халқ балки бошқа халқларнинг жумладан, ўша тузум учун хизмат қилаётганларнинг ҳам қаҳр ғзабини кўзғатди. Туркистон мухторияти миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласини демократик йўл билан хал этишга бел боғлаган халқ ва унинг илғор зиёлилари заковати ва иродаси заминиде вужудга келган эди. Табиийки, зўровонлик, шовинизм билан қуролланган янги мустабид большевиклар режими миллий мустақилликка интилишнинг ҳар қандай кўринишига тиш тирноғи билан қарши чикди. Синовдан ўтган усул-халқни алдаш, шафқатсиз қириш, талаш, қатоғон қилиш бу галл ҳам ишга солинди ва эзгу ниятлар, катта мақсадлар билан юзага келган миллий демократик ҳукумат хали тўлиқ шаклланиб улгурмаёк йўқ қилинди. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ағдарилиши туркистонликларни большевиклар режимиға қарши ўз она Ватанларини ҳимоя қилиш учун қўлларига қурол олишға мажбур этди. Бу қуролли ҳаракатнинг моҳияти миллий озодлик анъаналарининг давоми бўлиб, истиқлол учун кураш эди. Бу билан Туркистонда оммавий антисовет ҳаракати бошланди. Миллий озодлик кураши анъаналарини ўзида намоён этган истиқлолчилик ҳаракатининг хусусияти ўша даврдаги «Туркистоннинг Россиядан озодлиги учун!», «Золимларсиз Туркистон учун!», «Туркистон-туркистонликсиз учун!» каби сиёсий талабларида ёрқин намоён бўлди.

Хулоса

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR VA MANBLAR RO'YHATI

I.O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning asarlari,

Farmonlari va hukumat qarorlari

1. Каримов И.А.Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- жилд. - Т.: Ўзбекистон.1996. - 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 1996. - 380 б.

¹ ЎЗР МДА, Р-1747-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 67-варак.

3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд -Т.: Ўзбекистон. 1996. - 366 б.
4. Каримов И.А.Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон. 1996.- 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон. 1997.- 384 б.
6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон. 1998. - 429 б.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Ўзбекистон. 1998. - 32 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 2000. – 528 б.
9. Каримов И. “Шаҳидлар хотираси” меъморий мажмуасининг очилиш маросимидаги маърузаси. 2000 йил 12 май. – Т: Ўзбекистон, 2000, Асарлар.8-жилд. – 528б.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2009. -173 б.

ADABIYOTLAR RO'YHATI

1. Азиззода Л. Янги ҳаёт курашчилари. – Т.: Фан. 1976. -144б.
2. Акилов К.А., Аббасова Л.А. Женщины Узбекистана в культурном строительстве. – Т.: Фан. 1976.
3. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы (АН РУ Институт Истории.-Т.: Фан. 1991. -132с.
4. Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941): Краткий историографический очерк (АН РУ.Институт Истории.-Т.: Фан. 1987. -69с.
5. Алимова Д.А. «Хужум»га зарурат бормиди? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 й. 11 сентябрь.
6. Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. -Т.: Фан. 1975. -353с.
7. Аминова Р.Х. Аграрное преобразование в Узбекистане 20-х годов. // ОНУ-1989 № 9.
8. Аминова Р.Х. Аграрное преобразование в Узбекистане накануне сплошной коллективизации. 1925-1929. – Т.: Фан. 1969. -468.
9. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? Коммунист Узбекистана. 1989. №10.С.81.
10. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш-қашшоқлаштириш демак // Шарқ юлдузи. 1992 №12.-183б.
11. Аминова Р. Рост творческой активности женщин советского Узбекистана// Общественные науки Узбекистана.1987.№3.29-36с.
12. Анъаналар, дин ва аёлларнинг ижтимоий мақоми //Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг ахволи тўғрисида маъруза, RBEC // Undz, 1999. -95 б.
13. Араловец Н.Д. Женский труд в промышленности СССР. -М.: Профиздат.1954. -98с.
14. Ахунова М., Убайдуллаева Р.Женщины Узбекистана навстречу международному году женщины// Общественные науки в Узбекистане.1975.№8.3-8с.
15. Бикжанова М. Семья в колхозах Узбекистана. -Т.: Изд-во АН УзССР. 1955.-134с.
16. Бобожонова Д.Б. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.-Т.: Шарқ, 1999.-158б.
17. Бобожонова Д.Б. Аҳоли саломатлиги ва экологик муаммолар, Т.: Фан, 1996. 4 б.
18. Вахабов М.В. Ислам и женщина. –М.: Мысль.1968.-168с.
19. Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси.Т.: Ўзбекистон, 2003. -411б.
20. Зиёев Х. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъат. 2000. – 288б.
21. Собиова Д. Адабиётни кўрсатинг.